


НАВРЎЗИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!




Теран илдизлар

ЙИЛБОШИДАН БОШЛАНАР МУЧАЛ



Ҳар сафар Янги йил арафасида бозорларни келгуси йил соҳиби бўлган ҳайвон кўринишидаги маҳсулотлар босиб кетади. Аслида, мучал европача Янги йил — 1 январда эмас, балки умумтуркий Йилбоши — 21 мартда киради. Яъни, 2012 йил 21 мартгача тутилган фарзандингизнинг мучали балиқ эмас, қуён бўлади. Турли башоратномаларни титкилашда адашманг, биз аини бутундан балиқ йилига ўтдик.



Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИНИ КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:


2012 йил 21 март чоршанба дам олиш куни 22 март пайшанба кунига, 25 март якшанба дам олиш куни 23 март жума кунига кўчирилсин;

2012 йил 21 март чоршанба ва 25 март якшанба кунлари иш кунлари деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 19 март



«МАТБУОТ
ТАРҚАТУВЧИ»
АКЦИЯДОРЛИК
КОМПАНИЯСИ

Ўзбекистон

халқини

Наврўзи олам

билан самимий

муборакбод этади!

БАХТИ КУЛГАН БАХТИЖОН

— Ҳар гал бахт ва баҳор куй-чиси Ҳамид Олимжон қаламига мансуб “Деразмнинг олдида бир туп ўрик оппоқ бўлиб гуллади” деган сатрларни қайта-қайта такрорлайвераман. Бу мисралар кўнглимга алланечук завок бағишлайди, кейин ўзим ҳам кўлимга қалам олиб, неларнидир қоралай бошлайман, — дейди Жиззах давлат педагогика институтини қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси Бахтижон Исроилова.

Орзуга айб йўқ, деганларидек, тақдирни қарангки, кечагина, ўриклар энди-энди қуртак очиб, гуллаб бошлаган кезде Юртбошимиз қарорига биноан Бахтижон Исроилованинг фан йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлгани ҳақидаги хушхабар Жиззахга етиб келди.

Дарвоқе, Ўзбекистон Қаҳрамони Марат Зокиров раҳбарлик қилаётган ва Бахтижон ўқиётган лицей ўқувчилари орасидан шу пайтгача 6 нафар қизнинг ушбу нуфузли мукофот совриндори бўлгани кўвончини. Бахтижон эса Зулфиячиларнинг еттинчиси бўлди.

Унинг бахти шундаки, жаннатмонанд юрт — Ўзбекистонда туғилди. Истиқлол берган имкониятлардан баҳраманд бўлиб ўсиб-ўлғаймоқда. Жиззах туманидаги замон талаблари даражасида жиҳозланган 4-умумтаълим мактабида ўқиди. Устозлари кўмагида 11 ёшдан бошлаб хорижий тилларни, хусусан, инглиз ва рус тилини кунт билан ўрганишга киришди. Ота-онаси фарзандиди қизиқиб, иқтидорни ҳар томонлама қўллаб-

қувватлашга ҳаракат қилди. Мактабни аъло баҳоларга тамомлагач, академик лицейда ўқишни давом эттирди. Бу пайтда у инглиз ва рус тилини яхшигина ўзлаштириб олган, ҳатто унча-мунча шеърлар,

Оксфорд университетиди ўқиш имконини берувчи таълим грантини қўлга киритди.

Бахтижон — оддий қишлоқ қизи. Отаси тадбиркор, онаси ўқитувчи. Бадий ижодга қизиқади. Ёзган шеър ва ҳикоялари вилоят ҳамда республика матбуотида эълон қилиняпти. Пазандачилик, моҳир қўллар, рақс тўғарақларига қатнашади. Шу билан бирга, стол тенниси, гимнастикага ихлосманд. Дарслардан, ижоду изланишлардан бўш пайтларини тенгдошлари билан спорт залида ўтказишни яхши кўради.

— Орзуларим бир олам, — дейди Бахтижон. — Насиб этса, Англияда ўқишимни давом эттириб, келгусида таржимон бўлмоқчиман. Таржималарим орқали инглиз ва рус ижодкорлари, жаҳон классикаларининг шоҳ асарларини халқимизга, ўзбек адабиётининг нодир намуналарини хорижликларга тақдим қилсам, дейман.

Бахтижонларнинг қишлоқ мактабиди ҳовлиси мўъжазгина. Лекин саранжом-саришта, файзли. Қизлар хонасининг деразаси олдида бир туп ўрик дарахти. У ҳар гал баҳорнинг дастлабки кунлариди оппоқ гулга бурканади. Худди шеърда ёзилгандай, қўшиқда куйлагани каби...

Донoгул ЖўРАЕВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.
Жиззах вилояти.

Зулфияхоним издошлари



ҳикояларни инглизчадан ўзбекчага, ўзбекчадан русчага ўғиришга қодир эди. Лицейда билимларини янада бойитди, билмаганларини билиб олишга интилди. Бу даврда инглизчадан ўзбекчага, ўзбекчадан инглизчага ўғирган бир неча китобчалари нашр қилинди, ўқувчилар учун хорижий тилларни ўрганишга доир услубий қўлланмалар чоп эттирди. Таржима назариясини чуқурроқ ўрганишга киришди, ижод қилишдан, изланишдан тўхтамади.

Интилиш, изланиш имконга эшик очади, деганлари рост экан. Бахтижон интернет орқали имтиҳон топшириб, тест натижаларига кўра Буюк Британиянинг нуфузли

— Яхши жойлашиб олдингизларми? Камчиликлар йўқми?

Шу бир оғиз гапдан чарчогимиз чиқиб, қалбимизда офтоб чараклагандек бўлади.

— Раҳмат! Ҳаммаси жойида, — деймиз мамнун бўлиб.

— Айтаверинг, тортинманг. Ҳозир чойшабларни келтирарман. Ҳализамон чой ҳам қайнаб қолади...

Тўртинчи вагон кузатувчиси Кувондиқ Паноев билан шу куйи танишамиз. Урганчдан Тошкентгача минг километрдан зиёдроқ масо-

Кувондиқ Паноев ўша-ўша бирдек хушмуомала, хуштакаллуф, эътиборли, самимий эди. Бир гал бу ажойиб йигит билан бир пиёла чой баҳонасида гурунглашиб қолдик.

Кувондиқ кўхна Хиванинг Амин Чорсу мавзесидан экан. У темир-йўлчилар коллежини бундан йигирма йил муқаддам битказиб, поезд машинистси ёрдамчилигидан ўз фалиятини бошлаган. Ўн беш йилдан бери эса “Ўзбекистон темир йўллари” тасарруфидида поездларда вагон кузатувчиси сифати-

Одамлар орасида

мат сафарида юрадиган инсон оиласидан хотиржам бўлсагина, иши унумли кечади. Бу жихатдан Кувондиқнинг кўнгли хотиржам. Турмуш ўртоғи Замирахон билан тотув яшашади. Икки ўғил, бир қизни тарбиялаб камолга етказишяпти. Замирахон Хиванинг Қосмабод мавзесидидаги болалар богчасида ишлайди. Ширинсўз, меҳрибон мураббийдан кичкинтойлар ҳам, ота-оналар ҳам бирдек хурсанд. Бу меҳри дарё аёлининг, умуман, Паноевлар оиласининг маҳаллада ўзига яраша обрў-эътибори бор.

Кўпчилик уларнинг аҳиллигига, фарзандларининг ахлоқ-одобига ҳавас билан қарайди.

Йигит киши кирг ёшида ҳар жихатдан камолотга етар эмиш. Кувондиқнинг ҳам айна қирчиллама даври. У ўз касбининг моҳир устаси. Одамлар кўнглига йўл топишнинг ҳадисини олган. Унинг вагонига чиққан йўловчи бу ердаги шариоатдан, тозалик, саришатиқдан баҳри-дили очилади. Вагон кузатувчисининг дилкашлигидан, хуш каломидан баҳра олади. Янаги гал яна худди шу вагонга чиқсам эди, деб ният қилади. Биз йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи, ажойиб дилкаш инсон Кувондиқ Паноевга “Йўлингиз ҳамisha бехатар бўлсин!” деймиз.

Комил АВАЗ,
Али ЗИЁД



Жараён

СОҒЛОМ АЁЛ — СОҒЛОМ ЖАМИЯТ

Юртимизда аёллар спортини ривожлантириш, жисмоний тарбия билан шуғулланишни аҳолининг кундалик ҳаёт тарзига айлантириш ва шу орқали хотин-қизларимиз саломатлигини асраш, соғлом авлод туғилишини таъминлаш масаласи устувор вазифалардан саналади. Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг 17 нафари спортда ютуқларни қўлга киритган қизлар экани ҳам ана шу эътибор самарасидир.

Республика хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан пойтахтимиздаги “Умид” спорт мажмуасида “Соғлом аёл — соғлом жамият” шиори остида ўтказилган спорт тадбирига вазирликлар, ташкилотлар, корхона ва идораларда фаолият кўрсатаётган аёллар жалб этилди. 253 нафар опа-сингилларимиз волейбол, бадминтон, стол тенниси, стритбол ва кўвнок эстафета каби спорт турлари бўйича ўзаро куч синашдилар.

— Беллашувда иштирок этишим спортни кундалик ҳаёт тарзига айлантиришимга туртки бўлади, — дейди “ЎзАрхив” агентлиги ходими Зилола Жабборовна. — Спорт билан мунтазам шуғулланиб туриш аёлларнинг ўз соғлиғига бўлган масъулиятини янада кучайтиради.

— Спорт билан шуғулланган бола ўзини яхши ҳис қилади. Бу эса унинг соғлом бўлишига, яхши баҳоларга ўқишига ёрдам беради, — дейди фарзандларини спортга жалб этган аёллардан бири, Ташқи ишлар вазирлиги ходими Нилуфар Раҳмонова.

Беллашув якунида ўз йўналиши бўйича ғолибликни қўлга киритган жамоаларга эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова иштирок этди.

Нигора РАҲМОНОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.

ЧИНИҚИШ ОЙЛИГИ

Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Жисмоний тарбия ойлиги”да бизнинг 215-умумтаълим мактаби ўқувчилари ҳам фаол иштирок этишмоқда. Бир неча спорт турлари, жумладан, футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, шахмат-шашка бўйича ўсмир ёшлар ўртасида беллашув ва эстафеталар ташкил этиляпти. Шунингдек, жисмоний тарбиянинг баркамол авлодни वोғта етказишдаги ўрни ҳамда аҳамияти хусусида кўргазмалар дарслар уюштирилмоқда.



Эътиборли жихати, ушбу ойлик дастури асосида ўтказилган барча тадбирларда нафақат ўқув масканида тахсил олаётган ўғил-қизлар, балки ота-оналар ҳам фаол қатнашиб, ўз фарзандларининг жисмоний камолот чўққилари сари интилишларини бевосита кузатиб боришяпти.

Эътибор ХУДОЙҚУЛОВА,
Ҳамза туманидаги 215-умумтаълим мактаби
жисмоний тарбия фани ўқитувчиси.

СУВ МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент давлат юридик институтидида ташкил этилган матбуот анжуманида бугунги кунда дунё миқёсида энг долзарб муаммолардан бири бўлиб турган сув мавзуси хусусида атрофича сўз юритилди.

Тадбирда экологияга оид адабиётлар, плакатлар ва “Ўзбекистоннинг экологик картаси” ўқув даргоҳида ташкил этилган “Экология бурчаги”га хайрия йўлида тақдим этилди. Шунингдек, йиғилганларга Орол денгизи билан боғлиқ даҳшатли экологик қўрғуликларни ўзида акс эттирган “Харитага кирмаган сахро” ҳужжатли фильми намойиш этилди.

Анжуман якунида Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги академик лицей ўқувчиси Одил Комилов ёшларнинг “Экосан” фондининг “Аъналарни тикла — дарахт эки” акциясига жавоб мурожаатномасини ўқиб берди.

Анжуманда табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси раиси Наримон Умаров қатнашди.

Миркарим МИРСОВУРОВ,
“Экосан” бўлим бошлиғи.

ВАГОН КУЗАТУВЧИСИ

фани босиб ўтиш керак. Бу салкам йигирма соат демак. Шунча йўл босиш ҳамма вақт ҳам осон кечавермайди. Йўлда дуч келган ҳар кас ҳам йўлдош эмас, қурдош эмас. Кимдир шанғиллаб вагонни бошига кўтаради... Яна кимдир ўз ишчанчилигини намойиш этиш учун кўл телефонида кимларгадир кўрсатмалар беради. Қайси бир аёлнинг боласи қирқиллаб йиғлайди. Бундай пайтда асабингиз қақшаб, ҳаловатингиз бўзилади. Шунда вагон кузатувчисининг:

— Ҳозир телевизорни қўйиб берман, зерикмай кетасизлар, — дейиши жонингизга ора киради.

Купе бўйлаб дилрабо қўшиқ таралади...

Сўнгги бир йил ичида неча бор ана шу поездга чиқдик. Тасодифни кўрингки, ҳар гал 4-вагонга тўғри келдик. Вагон кузатувчиси

да йўловчиларга хизмат кўрсатиб келади.

Қаҳрамонимиз темирйўлчилик касбига илк ҳавасини уйғотган инсон — Курбонбой Рўзиметовнинг хурмат билан тилга олади. У мактабда ўқувчилик чоғлари Курбонбой оғаша шоғирд тушиб, “Урганч — Кўнгирот” 918-поездининг почта вагонига чой қайнатиб, вагон супуриб, йўловчиларнинг олқишини олиб юрган кезларини ҳануз яхши эслайди.

Кувондиқнинг интизоми ҳам худди темир йўлдек мустаҳкам, хизматда ҳамisha хушёр ва сезгир. Ҳар бир йўловчининг кўнглини олсам, дейди. Шу боис ҳам касбидан камол топди, ўсиб-ўлғайди, бола-чакали, уйли-жойли бўлди. Оиласи ҳамма ҳавас қилгулик. Ахир, касби тақозосига кўра ойда ўн-ўн беш кун уйда бўлмай, хиз-

Қўштепа тумани марказидаги Юнусобод кўчасида бир хонадон бор. Кўпчиликка қадрдон бўлиб қолган бу гўша ёнидан ҳеч қачон бепарво ўтолмайман. Қандайдир ички бир туйғу «Қани, ичкарига кириб, Фотима модонан дуо олгин, ҳорманг-бор бўлинг қилмасан бўлмас. Бувини яна дўппи тикаётганда учратасан, ишонмасанг, киргин-да», деяётгандай бўлаверади. Хар гал кўнглим алдамайди. Момо

ҲАВАСИМ КЕЛДИ, СИЗГА МОМОЖОН!

атрофига уч-тўрт, баъзан ундан ҳам кўпроқ невараче-чавара, маҳалла қизларини жамлаб олиб, дўппи тикиш сирларини ўргатиш баҳонасида ўзлари ҳам кўзойнақсиз нимадир тикаётган бўладилар.

Фотима аямиз бир оёғидан ажраб, ўтириб қолган бўлса-да, ҳамон кўзлари тийрак, руҳи тетик, ғайрати жўшиб туради. Шундай ҳолатда ҳам ҳаётдан, яшашдан завқ олаётган, ўтаётган умрига шукрона айтаётган, гулдак хунарини авлодларига ўргатишдан чармаётган онахонга ҳавас қилмаслик мумкинми?

Умрининг тўқсонинчи баҳорини қарши олган Фотима бувининг болалиги суронли йилларга тўғри келди. Тиришқоқ, меҳнатсевар қизалоқ еттинчи синфни битириб, ўқитувчилар тайёрлаган саккиз ойлик курсда ҳам ўқиди. Ўша даврларда хатли-саводли одамлар кам бўлгани боис хўжалик идорасида иқтисодчилик қилди. Ҳақиқатда, ҳисобчи Солижонга турмушга чиқиб, уч фарзандли бўлса ҳамки, оғир меҳнатдан қочмади. Момо ўз бошидан кечган азоб-уқубатли даврларни хотирлар экан, талотумларга тўла ўтмиш воқеалари худди кинотасмасидек кўз олдингиздан ўта бошлайди.

— Эҳ, очарчилик, уруш, қатағон, не-не машаққатларни кўрдик. Ҳозир уларни эслашга кўрқаман. Бундай қуларни икки дунёда ҳам кўрманглар, — дея бугунги дорилонмон замонни мактайдиги момо. — Бундай даврон қайда бор, еганинг олдинг-

Қариси бор уй

да, дастурхонинг тўла нон, истаган нарсанг муҳайё. Тўқчилик, тўқинчилик. Шундай шароитларга кимки ношукрлик қилса, икки кўзи оқиб тушин, илоё. Келинг, қўлингизни очинг, бир дуо қилайин: Оллоҳ ҳамиша ҳам-мамизни ўз панохида асрасин, юртимизга ҳеч қачон кўз тегмасин!..

Фотима момизнинг тўнғич ўғли Машрабжон физика-математика фанлари номзоди

эди, институтда талабаларга сабоқ берарди, Оллоҳ раҳмат қилсин, яқинда дунёдан ўтди. Айни пайтда пенсияга чиққан Маҳмуджон аввал муҳандис бўлиб ишлаган, бугунги кунда тадбиркорлик билан машғул, қизи Хадичахон эса узок йиллар ўқитувчилик қилди, ҳозир онасининг хунарини чуқур эгаллаб, дўппидўз сифатида фаолият юритмоқда. Бунни қарангки, набираси Шаҳнозахон ҳам момосининг йўлини таллаб, сулоланинг ишончли вакиласи сифатида ном қозонаётди. Айниқса, Фотима момонинг йўл-йўриқлари асосида тайёрланган ранго-ранг дўппилар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан аънаваний тарзда ўтказиб келинаётган «Дўппи тикдим иплаклари тиллодан» кўргазма-савдосида эътироф этилиб, диплом ва соҳна билан тақдирланди.

Бу — маҳалламизнинг суюкли дуоғўй фариштаси, «Шуҳрат» медалли соҳибаси, тиниб-тинчимас, тўқсонга кирса-да, ҳамон ўз элдошларига тиркилиб, яратиш каби улуг ҳикматга йўғрилган ҳаёт сабоқларини ўргатишдан толмаётган Фотима момо Тожибоева ҳақидаги мухтасаргина хикоя, холос. Насиб этса, ҳали бундай тақдир соҳибларининг ибратли ҳаёти хусусида яна тўхталамиз.

Мухтарам АЗИЗОВА,
Фарғона вилояти Қўштепа
тумани Сармозор маҳалла
фуқаролар йиғини
маслаҳатчиси.

МАЪНАН БОЙ БЎЛСА...

Оталар оила устун бўлса, оналар ана шу иморатни мустаҳкам тутиб турувчи бақувват тиргалардир. Зеро, халқимиз азалдан вояга етган фарзандларини зиёли, обрўли, тарбияли хонадонларга куёв ёки келин бўлмоғи учун ниятда донолик билан иш тутган. Демак, тўй тарадудиди келинликка муносиб номзод танлашдан бошланаркан, биринчи навбатда қизнинг ақлу фаросати, меҳнатқилиғи, ҳалимлиги ҳамда ички дунёсининг бойлиги, ҳаё ва ибосига алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, наслу насабининг тозаллиги, ота-онасининг аҳиллиги, эл ўртасида тутган ўрни ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Қуд-андачилик муносабатини тиклашда ўғил ҳам, қиз ҳам бир даражада туришса-да, бу масала ечимида, айниқса, қиз тан-

тарафдин мададинг ва қўмагинг кўпайгай». Гарчи Кайковус «қабил» сўзида ижтимоий маънони ифодалаётгандай туюлса-да, уни уруғ маъносидида ҳам тушуниш мумкин.

Кўрапсизми, бурунгилар оила қуришдек ниятда нозик тадбирга қай даражада эътибор қаратишган. Бу ҳар бир инсон тақдирини чин маънода ҳаёт-мамат масаласидир, десак ағайибмаймиз.

Мустақиллик йилларига келиб, онлада ҳуқуқий маданиятни шакллантириш йўллари ва воситалари, энг аввало, маълумотлилик, билим даражаси, ўз устиди ишлаш, оммавий ахборот воситалари материалларини ўрганиш, радио ва телевидение орқали бериладиган ҳуқуқий мавзудаги эшитиришлар ҳамда кўрсатувларни кузатиб бо-



лови ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бунда жуда кўп қизлар тилга олиниши, сўраб сориштирилиши мумкин, албатта. Шу муносабат билан уларнинг ота-оналари, ака-сингиллари ва қавму қариндошлари ҳақида ҳам сўраб-суриштирилиши табиий. Пировардиди, биргина қизга талабгорлик қилинади.

Кайковуснинг ўғлига қилган доно насихатини эслайлик: «...агар ўғлингизни ўлантирмоқ ва қизингизни эрга бермоқ тиласанг, зинҳор ўз қариндошинг билан беришиб-олишмагил. Бегонадан хотин олгил, недиким, ўз қариндошларингдан олмасанг ҳам улар сенинг била гўшт, қондек яқиндурлар. Бошқа қабилдан хотин олгил. Бу билан бир қабилдан икки қабилга қилимиз бўлгандан, бегонани ўзингга қариндош қилгандан, токи бир қувватинг икки бўлгандан, икки

риш, энг муҳими, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини кунт билан ўрганиш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид ҳужжатларни атрофлича билишга жиддий аҳамият берилди. Тарбиянинг бу жиҳатларига қилинган эътибор келгусида ёшларимизни ҳар хил оқимлар, турли диний ақидалар тузоғидан сақлашнида етарлича омил бўлиши табиий. Бунинг учун, авваламбор, тарбиячи саналимиш ота-оналар, маҳалла аҳли маънавий-маърифий, ҳуқуқий манбалардан хабардор бўлиши лозим. Айрим кузатувлар асосида уни айтишимиз мумкинки, баъзи оилаларда оилаб, ҳатто йиллаб газета-журналларни ўқимаслик одатий ҳолга айланган. Ки-тоб, бадиий адабиёт ҳақида-ку, мутлақо гапирмасам ҳам бўлади. Бундай оилада камолга етган фарзандларда ҳуқуқий билимсизлик, маънавий ноқислик кузатилиши табиий.

Оила маънавияти қанчалик бой, теран ва чуқур бўлса, жамият ҳам шу қадар маънан кудратли, мустаҳкам бўлади. Зеро, оила ҳам Ватан ичра мўъжаз бир ватандир.

Курбоний КАРИМОВА,
Наманган вилояти Наманган тумани
ФХДБ бўлими мудири.

ФАОЛЛИК ШИОРИ УНИНГ

Жамият ва аёл

Бугун қайси бир соҳани олмайлик, хотин-қизларнинг фаоллиги кўрсатиб ишлаётганига гувоҳ бўламиз. Айниқса, кейинги йилларда сиёсий-иқтисодий жабҳада уларнинг ўрни сезиларли равишда ошаётгани кузатишмоқда.

Раёно Ҳожимухамедова ҳақида гап кетса, шифокорлар уни катта тажрибага эга тиббиётчи деб билса, тадбиркор ва ишбилармон аёллар жамоат бирлашмаси аъзолари эса ибрат олгулик фаоллардан бири дея эътироф этади. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Олмасор тумани кенгашидагилар унинг хотин-қизларнинг тиниб-тинчимайдиган жонқури эканини қайта-қайта таъкидлашди.

Асли касби шифокор бўлган Раёно опа бугунги давр талабини чуқур ҳис қила олган ва ҳар қадамда ўзлигини намоён этмоққа интиляётган аёллардан бири. Эътиборли жиҳатки, у 1993 йилдан 2001 йилгача тадбиркорлиқни ривожлантириш мақсадида Туркия ва россиялик фармацевтлар билан яқин ҳамкорлик олиб борди. 2001 йили эса «Shifo – Nur – Servis» хусусий фирмасини ташкил этиб, мустақил равишда фаолият юрита бошлади.

— Хар куни шаҳримизнинг

Беруний кўчасидан ўтаётганимда бир чеккада қаровсиз ётадиган жойга кўзим тушарди, — дея хикоя қилади Раёно опа ўтган йилларни эслаб. — Шу ерни обод қилиш учун бирор бино қурсак-чи, деб турмуш ўртоғимга маслаҳат солдим. У қилишга ҳам тақлимимизнинг 13 йиллиги арафасида қурилиш тугалланмаган поликлиника биноси ўрнида инвестиция қилишти мажбурияти билан «G'unpcha Med» тиббий-даволаш-диагностика марказини очдик.

Бугунги кунда мазкур тиббиёт муассасасида аҳолига ўндан ортик йўналишда самарали тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Ўттиздан ортик тиббиёт ходимлари томонидан клиникада кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга имтиёзли тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Бунни қарангки, интилиш ва ҳаракат доимо инсонни олға етаклар экан.

Раёно Ҳожимухамедова билан дилдан суҳбатлашсангиз, элдошларига яхшилик соғиниб

яшаётганини ҳис этасиз. Дарвоқе, суҳбат орасида у киши юртимизда шахсан Юртбошимиз ташаббуси билан хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, ижтимоий манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган қатор хайрли ишлар



амалга ошириляётганини қувониб таъкидлади.

— Энг аввало, мамлакатимизда «Соғлом она — соғлом

бола» тамойилига асосан амалга ошириляётган изчил ишлохотлар, шунингдек, аёлларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза этиш бўйича қабул қилинган истиқболли дастурлар ва, ниятда, давлатимиз иқтисодиётини янада оқсальтиришга баҳоли кудрат улш қўшишга бел болаган ишбилармон ва тадбиркор аёллар учун яратиб берилляётган имконият ва имтиёзлар бизларни янада руҳлантиради, — дейди Раёно опа. — Бу каби эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш учун қўлимиздан келгунча ишлашимиз керак. Бу борада партиямиз фаоллари томонидан ишлаб чиқилляётган ҳаракат дастурлари, режалар кўпчиликка асқотмоқда.

Дарҳақиқат, Раёно Ҳожимухамедованинг бир кунлик иш фаолиятини кузатсангиз, бундай аёллар ҳар қандай соҳада ҳам тиргак ва суянч вазифасини ўташига шубҳангиз қолмайди. Боиси, Раёно опа савоб ишни ҳар ким ҳар кун қилиши керак деган ҳикматли шиор мазмунини кўнглига туғиб яшайди. Чунки унинг ташаббуси билан «Shifo – Nur – Servis» фирмаси томонидан янги хусусий клиника очалган шифокор-тадбиркорлар учун имтиёзли кредит асосида Япония, Хитой, Германия, Словакия, Бразилия каби мамлакатлардан замонавий тиббиёт асбоб ус-



қуналарини олиб келиш ва уларни ўрнатиш масаласида амалий ёрдамлар қўрсатилляётгани ҳам чинакам фидоилик намунасидир. Опанинг турмуш ўртоғи, шифокор-уролог, тиббиёт фанлари номзоди Абдумутал ака ҳам Раёно опанинг доимий ҳаммаслагидир. Уларнинг ҳамжиҳатлиги туфайли клиникага оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида рангли УЗИ доплер ускунаси ўрнатилиб, тугрўқ ешидаги аёлларга бепул тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган.

Раёно опанинг содда ибораси билан айтганда, бу даргоҳга қадам ранжида қилган ҳар бир инсон ўзи учун соғлиқ, тани-сиҳатлик дунёда топиб бўлмайдиган энг қимматбаҳо бойлиқлигини яна бир бор англаб етар экан.

Зулхумор РЎЗИЕВА,
О'зЛиДеР матбуот хизмати
сектор мудири.

"Азиз ота-она! Яқинда мендан "Нима учун Сиздан қўрқаман деб айтаясиз?" дея сўрадингиз. Одатдагидек, яна жўялроқ жавоб бера олмадим. Бу бир томон Сизнинг қаршингиздаги қўрқувдан бўлса, яна бир томондан ушбу ҳадикни тушунтириш учун шунчалик кўп тафсилотлар керак эдики, уларни суҳбат жараёнида келтириш мумкин..."

Франц Кафканинг ушбу сатрлар ила бошланувчи, 1919 йили битилган машҳур "Ота-га мактуб" и қарийб бир асрдирки, адабиётшунос, танқидчилар томонидан ўрганилади, таҳлил қилинади. Ушбу хатнинг қимматлиги фақатгина жанрида, яъни ёзувчининг шахсий ҳаётига тегишли фикрлар баён этилганидагина эмас, аксинча, гап фарзанд тарбияси, отанинг болага муносабати, уни тарбиялаш давомида хато ва камчиликлари хусусида кетмоқда. Табиийки, нафақат бизнинг халқимиз, балки бошқа миллатларда ҳам ўша пайтлари ота-онанинг тарбиясига нисбатан норозилик билдириш, уларни нимадир айблаш ғайритабиий туюлган. Ота-она, оила муқаддас саналгани туфайли ҳам ундаги келишмовчиликлар, қусурлар кўпм ошқор қилинавермаган. Шу сабабланим ёки «Ота-она мактуб»да инсон руҳиятининг энг нозик жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилгани, ўзини ҳам, отасини ҳам тўла тафтиш қила билгани учунми, ушбу асар бугунги кунгача ўз қимматини йўқотмаган. Айниқса, унинг оталар учун фарзанд тарбияси масаласида аҳамияти хануз юқори. Аслида, мулоҳазамизни ушбу мактубдан бошлашимиз бежиз эмас.

Бугун ҳам инсониятнинг кўп жиҳатлари ўзгармаган ва бу ўзгаришсиз қолган томонлар билан кўпчилики фахрланади. Рустдан ҳам, ота-она, оиланинг муқаддаслигини асраш ҳозирги замонда инсоният учун энг долзарб масала сифатида қаралади. Лекин...

— Онам мен ўқиган мактаб ёнида савдо қилади, — дейди коллеж ўқувчиларидан бири. — Майли, тирикчиликнинг айби йўқ, майда-чуйда нарсалар сотишга қарши эмасман. Лекин баъзан болаларга яширин-

ча сигарет ҳам бераётганини кўриб қолсам, жҳим чиқади. Бир неча бор қаршилик қилдим, бироқ мени қаттиқ уришиб ташлади. Сизларни шу тариқа катта қилганманми, энди менга ақл ўргатасанларми, деб. Харидорларнинг аксарияти мактаб ўқувчилари. "Мендан бўлмаса, бошқа жойдан сотиб олишди, нима фарқи бор, сенга?" дейди. Мен эса ўқувчилар-

Биз бу ўринда фарзанднинг бетгачопарлиги, ота-онанинг айбларини шартта-шартта айтиб ташлаш лозимлигини таъкидламоқчи эмасмиз. Фақат айтмоқчи бўлганимиз ОТА-ОНАЛИК масъулияти хусусида. Ушбу даражага эришиш шунчаки, авлод давомийлигини таъминлаш билан белгиланмаслиги лозим. Инсон бу каби жиддий дамларда ўзини ҳам, фар-

ни ўқисангиз, бунда кўплаб оталарнинг тимсолини кўриш мумкин. Бу ҳолат баъзи бировларни ажаблантирмаслиги ҳам табиий. Ахир, фарзандига ўқиши, яшаши учун бор шариоитни яратиб қўйса, ўғлининг намунали, қатъий, шижоатли бўлишини истаса, барча оталар каби ўзининг изидан бориб, ишларини давом эт-

аслида, эсини таниганидан бери онасининг нима сотишидан хабардор. У ҳам шу ишни бемалол давом эттиравериши мумкин эди. Лекин, бундан қарангки, вақт ўтгани сайин қиз-ич-ичидан онасининг ҳаракатидан норози бўлади. Йўқ, у онанинг танлаган йўлидан ҳафа эмас, бундан орланмайди. Фақат ҳали мактаб оstonасидаги болақайлар онаси сотаётган сигареталардан харид қилаётганидан, демаски, соғлиги, баъзида ҳатто ҳаётини хавф остига қўяётганидан ташвишда. Унинг хавотирланиши, кўнгли эзгулик, яхшилик истаги ила тўлаётганидан дарак беради. Қиз ёмонликларни аритишни ўз атрофидан, оиласидан бошлашни истади. Бу унинг шахс сифатида шаклланаётганидан далолат.

Кейинги мактуб эгаси эса бола пайти ва анча катта бўлгунча қадар ҳам оиласидаги ноҳуш ҳолатларни яхши англамаган. Англаса-да, онаси улар учун ягона боқувчи, меҳрибони бўлгани учун ҳам уни муҳокама қилишни ҳаёлига ҳам келтирмаган. Лекин кейинчалик ҳаётнинг ўзи онасининг нотўғри йўли қанчалик қимматга тушганини англаб етказди!

Юқоридаги учала мактубда ҳам умумий бир ришта бор — ота-онанинг боласини шахс сифатида қабул қилмаслиги. Аксинча, улар катталарнинг йўриғидан юришга мажбур, гўёки беғоналар сифатида қабул қилинишида, назаримизда. Бу эса фарзанд тарбиясидаги энг катта муаммо.

Барча соҳанинг ўз қонун-қоидалари, тартиблари бор. Аммо оила, фарзанд тарбияси масаласида аниқ, қатъий бир тартибни ҳали ҳеч ким яратмаган. Фақат бу хусусдаги тажрибалар, ўғитлар мавжуд, ҳолос. Сабаби, ҳамма оиланинг ўз яшаш тарзи, тутуми бор. Бу эса ота-она ўз билганидай иш тутиши мумкин, деган фикрни келтириб чиқармайди. Сабаби, ҳар бир оила аъзосининг ҳам ўзига хос фикри, қарши, муносабати бўлади. Ана шу мезонни унутмайлик!

Гулрух МҲМИНОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири.
Самарқанд вилояти.

Донотул ЖҲРАЕВА
сурат-лавҳаси.

ҚУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ ҚИЛМАЙДИ ёки ота-оналик масъулияти хусусида

нинг бу каби хато ишларида ойимнинг ҳам ҳиссаси бор деб ўйлайвераман.

— Мактабда ўқиб юрган йилларимда энг яхши кўйлаклари мен киярдим, — дея хотирлайди бошқа бир аёл. — Ойим тузуккина жойда ишларди. Аммо дадам билан яшамасдик. Уйимизга тез-тез ҳар хил эркаклар келар, шундай пайтлари биз доим кўчада ўйнаб юрардик. Аммо ҳеч нарасига зорикмай ўсдик. Болалигимизга борибми, кўп нарсани тушунмасдик, гўёки биз яхши яшаётгандай эдик. Шу тариқа улғайдик. Аммо... Опамнинг ҳаёти силлиқ кечмади. Турмушидан ажралди. Мени эса турмуш ўртоғим қандай муҳитда вояга етганимдан хабардор бўлгач, кўзимни очирмай қўйди. Ҳар бир гапидида зўлимга солади, ҳеч бир сабабсиз рашк қилади. Баъзида ҳаммасидан воз кечгим келади, кейин фарзандларимни ўйлайман. Менинг гуноҳим нима, ахир?..

Ушбу сўзлар ҳам мактублардан келтирилган. Номларини ҳам келтирмаган, шунинг баробарида бошидан кечирганларини бошқалар ҳам эшитсин, оналар бундай хатога йўл қўймасин, деган мақсадни кўзлаган опа-сингилларимизнинг кўлларига қалам тутишлари осон кечмаган, албатта. Ахир, ота-онани муҳокама қилиш, уларнинг айбларини айтиш энг катта гуноҳдай, наздимизда. Хўш, юқоридаги каби ҳолатда қандай йўл тутиш лозим? Ахир, ота-она буюм эмаски, ўзинг истаган маҳалинг алмаштириб олсанг.



зандини ҳам тарбиялаб бораверади. Ота-оналикни суистеъмол қилиш эса охир-оқибатда оиланинг парокандалигига олиб келиши турган гап.

Юқорида Кафканинг мактуби ҳақида ҳам бежиз тўхталмадик. Сабаби, ёзувчи ўз характер-хусусиятларининг шаклланиши, ўзига нисбатан ишончсизликдан тортиб, доим қўрқув исканжасида бўлгани, ҳаётда ўрнини топа олмаганидан ҳам оиладаги муҳит, ота тарбиясини бирма-бир кўрсатиб, исботлаб беради. Ушбу нома билан ҳозиргина ўқиб чиққанмиз — опа-сингилларнинг хатларини мукосса қилмоқчи эмасмиз-у, аммо улар орасидаги мазмунга озроқ тўхталиб ўтсак. Масалан, Кафка ота тарбиясидан норози бўлса, улар онасининг намунали эмаслигидан ташвишда. Кафканинг отаси, унинг тарбияси хусусидаги фикрлар-

тирса, деган ҳаёлда бўлса, бундан ортиқ нима ҳам қилиб берарди ота, дейдиганлар ҳам йўқ эмас. Лекин ўз пушти камарингдан бўлган ўғил ўзингга ўхшамаса, отасига тақдир қилишни истамаса... Отанинг ҳам ўз қарчилари бор. У шу мезонлар билан дунёни, ҳаётни ўлчайди, ҳаммаси ўзи истагандай бўлишини хоҳлайди. Бундан бошқаси бир тийинга қиммат Ота учун. Шу жумладан, ўғилнинг фикрлари ҳам. Натижада... Ўғил ўз дунёсида ҳам яшай олмайд, отасининг айтганларини ҳам бажаришга қодир эмаслигини англаб бораверади. Бир кунмас бир кун отаси билан уни боғлаб турувчи ришталар нечоғлик абгор ҳолатда эканини тушуниб, бу ҳақда унга мактуб битишга азм қилади!

Бояги коллеж ўқувчиси эса,

Мамлакатимизда информация технологияларнинг тобора ривожланиб бориши ҳаётида алоҳида ўрин эгаллаб, иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларида бухгалтерия ҳисоб-китобларини автоматлаштирилган тарзда юритиш, молиявий ва солиқ ҳисоботларини электрон тартибда шакллантириб, электрон алоқа каналлари орқали давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиш учун кенг йўл очиб бермоқда.

Бу эса тадбиркорлик субъектлари учун иш вақтини тежаш, қозғоқ кўринишдаги ҳужжат айланишининг қамийиши ҳисобига харажатларни қисқартиришга ижобий таъсир кўрсатади ҳамда ахборотларни қайта ишлаш жараёнини тезлаштириб, бюджет олдидида солиқ мажбуриятларини бажарилиши ҳақида тезкор маълумотлар олиш имкониятини яратди. Шунингдек, солиқларга оид барча ҳисоботларни мутасадди идораларга электрон кўринишда тақдим этиш ҳужжатларни электрон шаклда айланишини янада ривожланиши учун замин яратди.

Президентимизнинг 2011 йил 24 августда қабул қилинган "Кичик бизнес ва

хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонда Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан бирга барча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъект-

алоқа каналлари орқали тақдим этиш йўлга қўйилди. Бу тадбир натижасида солиқ идораларида навбатда туриб вақт йўқотишлар, ҳисоботларни тўлдиришда йўл қўйилиши мумкин бўлган арифметик хатоликларнинг олдини олиш, ҳисобланган солиқ суммаларини автоматик тарзда солиқ тўловчининг шах-

ЭЛЕКТРОН ҲИСОБОТ АФЗАЛЛИКЛАРИ

ларини 2014 йилнинг охиригача солиқ ва молиявий ҳисоботларни топиришнинг электрон тизимига бошқичма-бошқич ўтказишни таъминлаш вазифаси юклатилган. Бу борада солиқ органлари томонидан қатор таъминот чора-тадбирлар ишлаб чиқирилиб, амалиётга кенг жорий этилмоқда.

Хусусан, давлат солиқ хизмати органларида ахборот коммуникация технологияларининг ривожланишига катта эътибор қаратирилиб, молиявий ҳамда солиқ ҳисоботларини электрон

сий ҳисоб варақасига киритиш имкони яратилди.

Молиявий ва солиқ ҳисоботларини электрон кўринишда қабул қилиш ва қайта ишлаш тизими Давлат солиқ қўмитасининг www.soliq.uz, www.hisobot.uz, www.otchet.uz сайтларида жойлаштирилган. Давлат солиқ қўмитаси томонидан тадбиркорлик субъектлари учун ўн етти турдаги интерактив хизматлар қўрсатиш тизимининг яратилиши билан солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўртасидаги ўзаро муносабат-



Солиқ фаолияти

ларда икки томонлама ишончли ахборот алмашинувиши таъминлайдиган янги босқичга қадам қўйилди. Солиқ тўловчилар бундай хизматлардан фойдаланган ҳолда ҳисобот шаклларига киритилган ўзгаришлар, бюджет ва бюджетдан ташқари жағғармалар бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар, текширишлар режа жадвалидан қўчирмалар олиш ва бошқа маълумотлардан иш жойидан чиқмаган ҳолда хабардор бўлишлари мумкин.

Бундан ташқари, солиқ тўловчилар солиқ ва молиявий ҳисоботларни электрон кўринишда тўлдириш жараёнида юзага келадиган саволлар юзасидан тўғридан-тўғри Давлат солиқ қўмитасининг e-hisobot сайтида исми-шарифлари ҳамда мурожаат телефонлари кўрсатилган қўмитанинг масъул мутахассисларига мурожаат қилишлари ҳам мумкин.

Азиз ҲОШИМОВ,
Тошкент шаҳар Давлат
солиқ бошқармасининг
"Камерал назорат" бошқармаси
бошлиғи ўринбосари.

Бугун ўлкамизнинг қай бир гўшасига бормайлик, ободонлаштириш, кўкалам-зорлаштириш каби хайрли ишларга гувоҳ бўламиз. Шу маънода Пискент туманида амалга оширилаётган бунёдкорликлар ҳам таҳсинга лойиқ десак янглишмаймиз. Бу савобли тadbирлардан туман давлат санитария эпидемиология назорат маркази жамоаси ҳам четда тургани йўқ.

— Ҳозирги кунда туманимиз ҳудудидида 89 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган бўлса, биз уларнинг эпидемиологик хавфсизлигини таъминлашга масъулмиз, — дейди марказ раҳбари Аскархон ҚОДИРОВ. — Албатта, асосий масъулият кўпроқ фуқароларга боғлиқлигини ҳам таъкидлаш керак. Тўғри, марказимиз ходимлари жамоатчилик ўртасида юқумли касалликларни профилактика қилиш, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш билан боғлиқ тарғибот ва ташвиқот ишларини мунтазам уюштиришмоқда. Бу ўз самарасини ҳам бераётир. Эътиборли томони, туман ҳокими қарорига биноан ҳар ҳафтанинг шанбаси ободонлаштириш — санитария куни деб белгиланган. Шу муносабат билан маҳаллалар орасида “Озодалик — ширимиз” кўрик-танлови эълон қилинган, ҳар ҳафта голиблар

ЮРТ ОБОД — КЎНГИЛ ОБОД



хона ташкил этилиб, янги техник ускуналар билан таъминланган. Ишчи-ходимларимизнинг ўз вазифаларини масъулият билан адо этиши учун лаборатория, замонавий автокласслар, музлатгич ва тест қилиш асбоб-ускуналари келтирилди.

Марказимизда фаолият юритаётган Мукаррам Тўракулова, Муҳайёхон Акбарова, Мавжуда Абдурахимова, Каримжон Сиддиқжонов, Эгамкул Фармонкулов сингари ўз соҳасининг фидойилари номини фахр билан тилга олиш керак. Чунки улар ўз тажрибаларини ёшларга ўргатишда ҳам ўрнатқўрсатиб келишмоқда.

Нигора ЎРОЛОВА
ёзиб олди.

аниқланиб, тақдирланиб бориляпти. Бу танловда фаол қатнашиб келаётган Метан, Янгиобод маҳаллаларини алоҳида таъкидлашни истардим.

Марказимизнинг 64 нафар ишчи-ходими тумандаги мавжуд 462 та объектни ўз назоратига олган. Шундан 67 таси болалар ва ўсмирлар муассасаларига тегишлидир. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳамда гигиеник қоидаларга тўла риоя этилишига жиддий аҳамият берилмоқда. Шунингдек, шаҳримиз аҳолиси орасида чиқинди муаммосини ҳал этиш учун махсус чиқинди-

**ПИСКЕНТ ТУМАН ДАВЛАТ
САНИТАРИЯ ЭПИДЕМИОЛОГИЯ
НАЗОРАТ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ**

юртдошларимизни улур

айём билан самимий

муборакбод этади!

“Мустаҳкам оила йили”-

нинг бетакрор ва гўзал-


ликка бой байрами бар-

чангизга қутлур бўлсин. Бу

кун ҳар бир оилага бахт-

саодат, қут-барака, яхши-

ликлар олиб келсин!



Юртимизда мозийдан ҳикоялар сўйлагувчи қадамжолар, зиёратгоҳлар жуда кўп. Ана шундай қутлур даргоҳлардан бири архивлардир. Дарҳақиқат, Қашқадарё вилоят давлат архивида сақланаётган маънавий-маърифий соҳага оид нодир ҳужжатлар ҳам шулар жумласидандир.

**Жамила АБДУВОҲИДОВА,
архив директори:**

— Бугунги кунда архивимиз тасарруфида 6 та филиал бўлиб, уларда элликдан ортиқ мутахассислар хизмат қилишмоқда. Мустақиллик йилларига келиб вилоятимизнинг кўпгина ҳудудларида замонавий кўринишга эга бўлган бинолар қурилди. Яқиндагина Ғузор ва Яккабоғ туманларида ҳам янги архив иншоотлари барпо этилди. Наврўз арафасида эса вилоят архив иши бошқармаси ва давлат архиви қайтадан таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Бир сўз билан айтганда, истиқлол шарофати туфайли бизнинг соҳамизга бўлган эътибор янада кучайиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Қашқадарё вилоят давлат архиви жамоаси барча юртдошларимизни уйғониш, меҳмурувват ва покланиш айёми — Наврўзи олам билан чин дилдан самимий табриклайди! Байрамингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!



Бир пайтлар Марказий Осиё халқлари фойдаланган мучал ҳисоби бугун Ер юзининг барча минтақаларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу тақвим ҳатто башоратгўй бизнесменлар эътиборига ҳам тушди, мучал асосида йилга минг-минг тонналаб башоратномалар чоп этилаётир. Ҳар сафар Янги йил арафасида бозорларни келгуси йил соҳиби бўлган ҳайвон кўринишидаги махсулотлар босиб кетади. Аслида, мучал европача Янги йил — 1 январда эмас, балки умумтуркий йилбоши — 21 мартда киради. Яъни, 2012 йил 21 мартга тузилган фарзандингизнинг мучали балиқ эмас, қуён бўлади. Турли башоратномаларни титкилашда адашманг, биз айна бугундан балиқ йилига ўтдик.

Яна бир янглишлик, мучал ҳисобининг бешинчи йилини «аждар» деб аташ одат тусини олмақда. Сабаби, биз кўпинча маълумотларни интернет манбаларидан ёки хорижда чоп этилган китоблардан оламиз. Аслида, бахсининг тарихи узун. Махмуд Қошғарий бу йилни нек — тимсоҳ деса, халқимиз орасида наҳанг (катта балиқ — кит) деб ҳам юритилади. Баъзи халқларда ҳатто шиллиққурт дея номланган (барчаси сув билан боғлиқ). Кўпгина туркий қавмларда эса бешинчи йилнинг номи — «улу». Илмий жамоатчилик орасида мазкур сўз хитойча «аждар» маъносини ифодаловчи «лу»дан келиб чиққан, деган фикр ҳукмрон. Лекин «улу» туркийча «улуғ» сўзининг фонетик ўзгарган шакли экани кўриниб турибди. Бизнингча, мучалнинг бешинчи йилини «балиқ» («наҳанг») деб аташ тўғривор, Илон ва аждарнинг бирваракайига мучалга киритилишида бироз мантиқсизлик ҳам бордек. Чунки илоннинг каттаси «аждар» дейилади. Қолаверса, Хитой тақвимида аждар йили «лу» эмас, «чэн», корейларда эса «чин», вьетнамларда «тхин», японларда «тацу» дея номланган.

Атоқли хитойшунос олим Эдуард Шаванн ўзининг «Le Cycle turc des Douze Animaux» китобида кўпгина халқлар кенг қўллайдиган ўн икки ҳайвонли тақвим қадим туркийларга оид йил ҳисоби бўлган, уни хитойлар турклардан ўзлаштирган, деган илмий хулосага келади. Олим тақвим устида изланиш олиб бораркан, унинг яратувчилари — туркийларнинг ибтидоий тафаккури билан боғлиқ кўплаб унсурларга дуч келади. Эдуард Шаваннинг аниқлашича, ўн икки ҳайвонли тақвим Хитой шимолидаги турк қабилалари орасида миллоддан аввалги V асрда пайдо бўлган ва миллоддан аввалги II — I асрларда Хитойга ёйилган. Француз хитойшуносининг фикрини қадимги туркий битиктошларни тадқиқ этган олим С.Г.Кляшторний ҳам қўллаб-қувватлайди, «История Центральной Азии и памятники рунического письма» асарида туркийларнинг вақт бирликлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтади: «VI асрда ўн икки йиллик ҳайвонли цикл Турк хоқонлигининг расмий давлат тақвими эди. Гарчи турклар мучални хитойлардан олган деган қараш

Парадоксия қаранг: мучал ҳисоби комманий маданиятнинг бир бўлагига айланган, яна ўзимизга қайтиб келди. Энди ўн икки ҳайвонли тақвим ҳақидаги маълумотларни русча, инглизча манбалардан топиб ўрганаёلمиз. Ачинарлики, четдан келиб келаётган ахборотни юзюқиб «истеъмо» қиламиз, таассурот ҳам шунга яраша: бизга қолса, асли бобомерос — ўзимизнинг мучал Хитой ёки Япониянинг, нарв борса, Шарқ халқларининг умумий тақвими. Яна, мучални Янги йил байрами — 1 январдан бошлашга одатланаямиз...

ЙИЛБОШИДАН БОШЛАНАР МУЧАЛ



Мучал сўзининг маъносини шу ўринда англаш мумкин, яъни муча — қисмдир: 60 йилнинг бешдан бир қисми. Бир даврни 100 йил эмас, айнан 60 йил қилиб олинишида ҳам ҳикмат бор. Чунки, одатда, бир инсон умри тахминан 60 йилга тенг ва бу «Инсон асри» деб ҳам юритилади.

жиҳатдан ривожлана боргани сайин узокроқ муддатли вақт бирликларига эҳтиёж туғилиши табиий. Хуллас, кичик қашфиётлар анча мукамал вақт ҳисоби — мучални ихтиро қилиш томон йўл бошлади.

Ўн икки ҳайвонли турк тақвими учта табиий кўрсаткичга: ой — Ойнинг Ер атрофида айланиши, йил — Ернинг Қуёш атрофида айланиши, мучал эса Муштарий (Юпитер)нинг Қуёш атрофида айланишига асосланади. Қадимда турк астрономлари Ерга яқин йирик юлдузлардан бири Муштарий планетасининг Қуёш атрофида

тўлиқ айланиши тахминан 12 йилга тўғри келаётганини аниқлашган. Сатурн эса 30 йилда Қуёш атрофини бир марта айланиб чиқишидан ҳам яхши хабардор бўлишган. Қадимги турклар мана шу табиий даврларга асосланиб ўзларининг тақвими яратибди.

Шундай қилиб, 12 ой — бир йил, 12 йил — бир мучал, 5 мучал эса бир давр (яъни, Сатурннинг икки айланиши)га тенг келарди. Мучал сўзининг маъносини шу ўринда англаш мумкин, яъни муча — қисмдир: 60 йилнинг бешдан бир қисми. Бир даврни 100 йил эмас, айнан 60 йил қилиб олинишида ҳам ҳикмат бор. Чунки, одатда, бир инсон умри тахминан 60 йилга тенг ва бу «Инсон асри» деб ҳам юритилади.

Тақвим фақатгина вақт ўлчов бирлиги эмас, балки унда халқнинг фалсафий қарашлари, диний эътиқоди, тарихий турмуш тарзи, бадиий тафаккури ҳам мужассамлашади. Масалан, одам бир

Теран илдизлар

мучал ёшигача — бола, иккинчи мучал пайти (13–24 ёш) — ўсмир, учинчи ва тўртинчи мучалда (25–36 ёш, 37–48 ёш) ўрта яшар, бешинчи мучал — 49–60 ёшда эса кекса бўлади. Мутахассислар фикрича, ҳар бир мучал ёшида одам организм муайян ўзгаришларга дуч келади. Мучалдан мучалга ўтиш йили инсон умрининг қалтис даври саналади. Бу вақтда одам турли хасталиклардан кам ҳимояланган бўлади. Организмдаги яширин касалликлар кўзгалиши, заиф мучалар панд бериб қўйиши мумкин. Мучал ёшлари замонавий медицинада одам организм гармон тизимининг «қайта қуриш» даври ҳисобланади. 12 ёш — жинсий етуқликнинг бошланиши бўлса, 24–25 ёшда бўй ўсишдан, 48 ёшда эса организм репродуктив фаолиятдан тўхтади. Мифологик қарашларга кўра, мучал ёшларида ўлим ва туғилиш — янгилиниш кучлари тўқнашаркан. Демак, кексаларимиз баъзан ҳазил аралаш: «Олтишдан ўтиб олсам, узокқа кетаман. Олтиш ёмон-да!» деб қўйишлари ҳам бежизга эмас.

Марказий Осиёнинг табиий шароити мучал ҳисобини яратшига туртки берган. Чорвачилик ва дехқончиликнинг истиқболини белгилаш, кескин-континентал иқлим шароитида узок муддатли об-ҳаво прогнозларини ишлаб чиқиш зарурати бунда асосий омил бўлган.

«Девони луғатит турк»да ёзилишича, туркийлар мучал йилларининг ҳар бирида недир ҳикмат бор деб ўйлаганлар. Масалан, сигир йилида уруш кўпаярмиш, чунки ҳўкизлар бир-бири билан кўп сузишади. Бу йилда ёмғир-қор кўп ёғади, фаровонлик бўлади. Қиш узун келади. Товуқ йилида овқат кўп бўлади. Чунки товукнинг емиши дондир. Балиқ йили кирганиш, мучал эса Муштарий (Юпитер)нинг Қуёш атрофида айланишига асосланади. Қадимда турк астрономлари Ерга яқин йирик юлдузлардан бири Муштарий планетасининг Қуёш атрофида

Кейинчалик, айниқса, ҳозирги кунда мучалнинг мана шу хусусияти кўпчиликка ёқиб қолди. Бугуннинг одами «мучал» деганда, одатда, йиллик башоратларни тушунади. Бу эса азалдан дин намояндаларининг ҳақли эътирозига сабаб бўлган ва мучалнинг хурофот дея изоҳланиб, тақиқланишига олиб келган. Аслида, ўн икки ҳайвонли турк тақвимиининг фол кўриш билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Мазкур иримлар асло фолбинлик эмас, балки халқнинг асрий тажрибаларини ўзида мужассамлаштирган фалсафий тафаккурдир. Инсон табиатининг бир бўлаги, табиатдаги ўзгаришлар бизга таъсир этмай қолмайди. Шундай экан, «фалон йил ўндай келади, фистон йил бундай келади» каби башоратнамо гаплар, аслида, узок қузатувлар хулосаси, илмий прогнозлардир. Башоратлар айнан йил соҳиби бўлиши ҳайвоннинг муҳим хислати билан боғлиқ экани эса мучал йилларини номлашда етмиш ўлчаб, бир кесилгандан дарақ беради. Айтганча, халқ прогнозига кўра, балиқ йили — барақадир.

Фаррух ЖАББОРОВ

Туркий мучал бўйича мелодий йиллар

Сичкон	Сигир	Йўлбарс	Кўён	Балиқ	Илон	От	Кўй	Маймун	Товуқ	Ит	Тўнғиз
1900	1901	1902	1903	1904	1905	1906	1907	1908	1909	1910	1911
1912	1913	1914	1915	1916	1917	1918	1919	1920	1921	1922	1923
1924	1925	1926	1927	1928	1929	1930	1931	1932	1933	1934	1935
1936	1937	1938	1939	1940	1941	1942	1943	1944	1945	1946	1947
1948	1949	1950	1951	1952	1953	1954	1955	1956	1957	1958	1959
1960	1961	1962	1963	1964	1965	1966	1967	1968	1969	1970	1971
1972	1973	1974	1975	1976	1977	1978	1979	1980	1981	1982	1983
1984	1985	1986	1987	1988	1989	1990	1991	1992	1993	1994	1995
1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007
2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
2020	2021	2022	2023	2024	2025	2026	2027	2028	2029	2030	2031

бўлса-да, улар Чин тақвимиини ишлатмаганлар».

Профессор Ласло Рашоньининг кузатишларига кўра эса, ўн икки ҳайвонли тақвимиининг асосида туркий йил ҳисоби турса-да, кейинчалик турклар хитойлар томонидан илмий мукаммаллаштирилган тақвимиини қайта қабул қилганлар. Тан олиш керак, қадимги Хитойда илм-фан, ҳусусан, астрономия юксак ривожланган эди. Шундай қилиб, ўн икки ҳайвонли туркий тақвимиини ўзлаштирган хитойликлар мучални мукаммаллаштиради. Уларнинг яна бир ютуғи шундаки, Хитой ўтмиши йилномаларда мунтазам қайд этиб келинган, шу боис ҳам бу юрт тарихий манбаларга бой. Бизда эса тарихимиздаги талотўплар туфайли туркий тақвим ҳақидаги маълумотлар ҳам узук-юлук етиб келган. Оқибатда, замонавий цивилизация мучал ҳисобини Хитойдан олди ва бугунги кунда дунёга хитойликлар тақвими сифатида тақдим этилмоқда.

Ўн икки ҳайвонли турк тақ-

вими мусулмон адабиётларида «таърихи туркий», «таърихи Туркистон», «соли туркон», «аҳоми соли туркон» сингари номлар билан тилга олинган. Ўн икки ҳайвонли туркий тақвимиининг келиб чиқиши ҳақида гап борганда, олимлар Махмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит турк» асаридаги талқини четлаб ўтмайдилар. Ўша ривоят-да айтилишича, турк хоқони тарихдаги бир урушни ўрганмоқчи бўлади, лекин бўлиб ўтган йилни аниқлашда янглиш кетади. Шу воқеа туртки бўлиб, узокроқ вақтга мўлжалланган йил ҳисоби ишлаб чиқишга фармон берилади. Хоқон овга чиқиб, одамларга ваҳший ҳайвонларни дарё томон қувишни буюрди. Сувдан нечачи бўлиб ўтганига қараб, ўн икки ҳайвоннинг номини ўн икки йилга бердилар. Шу тариқа мучал ҳисоби вужудга келди.

Махмуд Қошғарий ёзиб қолдирган ривоят халқ оғзига иҳодига мансуб бўлгани учун масала жуда осон ҳал этилган. Ас-



“Геолог” санаторий-профилакториясида 47 нафар тиббиёт ходими аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида самарали иш олиб борапти. Икки гектар майдонни эгаллаган шифо маскани Қарши шаҳрининг табияти гўзал, баҳаво худудида жойлашган бўлиб, транспорт воситалари қатнови жуда қулай.

Санаторийда циркуляр душ, физиотерапия, ванна, электрофарез, дарсенвал, нина билан даволаш, парафин, укалаш сингари муолажа усуллари амалга оширилади. Шифокорларнинг очикқўнгиллигини айтмай-сизми?! Маскан ходимлари нафақат физиотерапия воситалари, балки ширин сўзлари билан ҳам даволаб, қалбнингизга кириб боради.

Хеч иккиланмай айтиш мумкинки, Наврўз асрлар давомида ҳақчил байрам сифатида нишонлаб келинган бўлса, мустақиллик йилларида асл қадрини топди. Қарийб чорак асрдан буён давлат даражасида бутун мамлакат бўйлаб кенг тантана қилинади. Мана, бу йил ҳам халқимиз кўнглида Наврўз шукуҳи жўш урмоқда.

“ГЕОЛОГ” ЧОРЛАЙДИ

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрида
жойлашган

“ГЕОЛОГ” САНАТОРИЙ-ПРОФИЛАКТОРИЯСИ ЖАМОАСИ

серқуёш юртимиз аҳлини янгилашни, яшариш айёми билан
қизгин ва самимий муборакбод этади.

Шу фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни
соғломлаштириш масканида дам олишга, саломатликларини
тиклашга чорлайди.



Сихатгоҳда “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш бора-сида аниқ тадбирлар ишлаб чиқилган. Соғлигини тиклаш учун келган кишининг вақти мароқли ўтиши учун имкониятлар етарли.

— Бизда оила аъзолари билан дам олиш учун ҳам барча қулайликлар яратилган, — дейди “Геолог” санаторий-профилакторияси бош шифокори

Манзил: Қарши шаҳри Насаф кўчаси 50-уй.
Телефон: 8-375-227-72-84, 8-375-227-59-60.



Шаҳноза Ҳайитова. — Икки ва уч кишилик хоналарда дам олувчилар учун жаҳон андозалари даражасидаги шароитлар мавжуд. Замонавий ошхона, маънавий ва маърифат хонаси, спорт майдончаси Сизнинг ихтиёрингизда.

Меҳнат таътилига чиқиб, қимматли вақтингизни аямасдан “Геолог” санаторий-профилакториясига таширф буюринг! Шунда Сиз икки томонлама ютасиз. Кун бўйи ҳам ҳордиқ оласиз, ҳам соғлигингизни ишончли кафолатлайсиз.

Йўлланмалар бошланғич касаба уюшма ташкилотлари томонидан ёки бевосита маъмуриятга мурожаат қилиш орқали пул кўчириш, пластик карточка ҳамда нақд пул тўлаш йўли билан амалга оширилади.

Таълим, фан ва маданият ходимлари ПАСТДАРҒОМ ТУМАН БИРЛАШГАН КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни яшариш ва янгилашни байрами —
НАВРЎЗ айёми билан самимий муборакбод этади!

Ҳар бир оилага сихат-саломатлик, бахт-саодат,
қут-барака йўлдош бўлишини тилайди.

МАЪРИФАТПАРВАРЛАР ЖАМИЯТИНИНГ ПАСТДАРҒОМ ТУМАН БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

үмүмхалқ байрами — НАВРЎЗИ ОЛАМ
билан чин гулдан қўтлайдигу!

Она-табиатининг уйғониш, яшариш айёми — Йил-
боши юртимизга баракали келишини тилаймиз.
Маърифат аҳлининг Ватанимиз равнақи ва
таракқиёти йўлидаги хайрли ишларида ҳаммаша
омад ёр бўлсин!

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.	Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой, Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.	Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил бола-лар учун).
Аёллар костюм-шими, плаш-пальто — 1-2 ой.	Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка).
Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.	Тўқувчилик — 2-3 ой.
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёт билан).	Инглиз тили — 3 ой.
Тиббий массаж — 2 ой. Нуқтали — 1 ой.	Рус тили — 3 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.	Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Пишириқлар олий курси — 1 ой.	Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.	Компьютер сабоқлари — 2 ой.
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.	Интернет — 1 ой.
Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой.	
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.	

Барчаси амалиёт билан

Ётоқхона мавжуд
Ўқини тугатганларга
ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. Мўлжал: Юнусобод дехқон бозори орасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

Филиал манзили: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси, 4-уй 40-хона. Мўлжал: Кўйлик кийим бозори рўпарасида.

Тел: (8371) 295-97-82, +99897 785-90-30 (кундузи)

Мана беш йилдирки, лакабим "кампирушунос" бўлиб қолди. Машина ҳайдаганимга ҳам беш йил бўлаётти. Ўзим чорвачилик фермасида ишлайман. Хар куни фермадан шаҳарга сут ташийман. Бир куни идорага ўтишга эриниб эшикка машинани қўяқолдим. Эрталаб турсам, кимдир цистернага катта қилиб "Сут ва кампир ташилади" деб ёзиб кетибди. Яна биров остига "кампирушунос" дея қўшиб қўйибди. Бу ҳазилкаш ўртоқларимнинг иши бўлса керак, деб ўчириб ташладим. Қаёқда дейсиз! Мен уй-ғонганимча эшикдан ким ўтса, ҳаммаси ўқиб ўтаверган. Шундай қилиб лақабли ҳам бўлиб олди. Биров, "Салом, Шербек" деса, биров "Хайр, кампирушунос" деб кулади. Ким билди, балки ростдир.

Нима учундир ҳадеб буви-жонларимнинг ҳолатини чиқаргим келаверади. Гапнинг очиги, баъзида кабина бўш бўлсаям одам олмайман. Киш-логимиз билан шаҳар ораси узоқ. Автобуслар ҳам онда-сонда юради. Йўлда бирор онахон илҳақ

узоқ йилмиди, ишқилиб, кузак эди-да. Ёмғир эзиб ёғиб ётибди. Гира-шира қоронғи. Окқўр-гоннинг бурилишидан қайтишим билан бир кампир тўхтатди. Сакраб тушиб, юқларини кўтара бошладим. Ҳорманг, хола, йўл бўлсин, десам, хола-ланг ўлсин, шундай ҳавода йўл босгунча кўл боссин холагинангни, дейди. Қарасам, ҳамма гапини ҳалигидақа шоирлар айтгандай қофиялаб гапиряпти.

— Бир ўртоғим бор, Кундуз деган. Кундуз деса кундуздек. Қизлигида отлик йигитлар қулиб, туялиқлар буқилиб салом бергучи эди. Ана шу ўртоғим наварасига имин-имин қилаётган экан. Айтиб юборибди. Дод, Офтобхон келмаса, имин-имин базм қизимайди дебди. Мана, сайил ҳам сайил — саргардон ҳам сайил, деб бораепман-да, хола-ланг ўргилсин.

Кейин ҳамма кампирларимга ўхшаб бу киши ҳам "тергов"га ўтди.

бордим. Ростини айтсам, шунча йил бадалига ҳалиги онахон айтган гапларни ўйлаб кўрмаган эканман.

Эртасига яна сут топширгани шаҳарга бордим. Кабинада навбат кутиб ўтирсам, олдимга жиккаккина бир кампир келди.

— Болам, мошинанг қаёққа юради? — деди тортинибгина.

— Қаёққа бурсангиз, шу ёққа кетаверади, — дедим қулиб. Кампир дадилланди:

— Гулистонгача бурсанг, туша кетайми дегандим-да.

Йўл-йўлақай гурунглашиб кетдик. Ўғлиниқидан келаётган экан. Тойчоқдеккина наваралари бор эмиш. Ўғли эс-хушли, юмшоқсупургидек эмиш. Келини ҳақида индамади. Шунинг учун атайлаб сўрадим:

— Келин қалай, хола, келин?

— Келин зоти, ман санга айтсам,



бўлиб тургандир, дейман ўзимча. Ўйлаганим рост бўлиб чиқади. Йўл четида тинмағур кампирларим кўринади. Қайси бири тугун кўтарган, бирови тоғора, бошқиси патнис. Қўл силташмаса ҳам, ёнларига секин бориб тўхтайман. Дарров инқиллаб чиқиб олишади.

Тунов куни қизиқ бўлди. Тўйтеллага етай деганимда иккитаси учради. Кабина эшигини очсам, иккалеси ҳам чиқапти.

— Холажон, қандоқ бўларкин, жой икки кишилик эди-ку, — дедим биттасига қараб.

— Зиёни йўқ, учаламиз сифаверамиз, — дейди иккинчиси, — тоғангизнинг яхшилиқларини кўра-кўра қошиқдай бўлиб қолдим. Менга кафтдай жой бўлса етади.

Мелисан эслатиб кўрдим. Бўлмади. Биринчи кампир анчагина шаддодроқ экан, баланддан келди.

Иложим қолмади. Қарасам, иккови ҳам тиззаларига тугунларини қўйиб бемалол ўтирибди. Йўлга тушди. Айтганимдай, марказга етай деганимизда автоинспектор тўхтатди. Уни кўриб, кампирларим бошларини бўкиб олишди. Қулиб юбордим.

Инспектор тушунган йигит экан, оғзаки танбех бериб қўйиб юборди. Қайтиб келсам, кампирларим шивирлаб сўради:

— Нима дейди, ишқилиб, ёмон гапирмадимми?

— Йўқ, бундан кейин икки талаб одам олманг, деди.

— Ана, айтмадимми, Гулжамол, мелисаннинг ҳам инсофлиси кўп бўлади. Барака топсин!..

Туриб-туриб, кампирларга қойил қолам. Бултурмиди,

— Болам, бинойидеккина йигит кўринасан, неччига кирдинг?

— 25 га, хола, — дедим йўлдан кўз узмай.

У бошини чайқаб ўгит қила кетди:

— Йигитлик ёшидир асли йигирма, эсинг бўлса зинҳор ўғитизга кирма!

— Хўп, холажон, кирмайман ўғитизга, оёғимни тираб туриб оламан, — деб кулдим.

— Ота-онанг ҳам, худого шукр, бақувватинадир-а?

— Онамни уч йил олдин тупроққа...

Ғапимни тугатмасдан «ох» деди-ю, бошини яна сарак-сарак қилишга тушди.

— О-о бебаҳо дунё, бевафо дунё! Бировдан ватан аямайсан, бировдан кафан! Во дариг. Ишқилиб, ўғлим, мана бош фарзандман дедим, худойим отагинангга тавфиқ берсин. Эракнинг бели боғлиқ, кўнгли чоғлиқ бўлади. Худо кўрсатмасин, уйингга бир сигиримижоз келиб қолса борим, тирик етим бўлганинг ана шунда билинади. — У дарров хаста, йиғлоқи оҳангда хиргойи қила кетди:

Ой ёнида бир юлдуз

ойга пана,

Ман ўлсам йиғларимкан

ўғай она-а.

Йиғласа ўғай она

ўз бошига,

Кўш тегирмон юргизай

кўз ёшига-а.

Эй худо, ишқилиб бадбахт ўғай онадин асрагин-а, деб тилагин, холагинанг бўйларингга қочинди!

Офтоб хола бир кишлок гузарига етай деганда тушиб қолди. Анча ергача ўйланб

ўғлим, қовоқ арига ўхшайди. Арининг уясини кавламасанг, чақмайди. Келининг тилини қичитмасанг, тегмайди. Энди бурунгилардан қолган гап бор: "Кум-кум келин, чим-чим қиз", дейдилар. Шуниям эшитиб қўй. Дунёда менга ўхшаган бир кампир бор экан. Унинг сенга ўхшаган ёлғиз ўғли бор экан. Кампир шўрлик бошини баркаш, қўлини обкаш қилиб ўғлини уйлабди, қизини чиқарибди. Энди она нима қилади? Бир кун ўғлиниқига, бир кун қизиникига борибди. Тўғрими, тўғри. Борса келини қайнонасининг қосасига қасддан кум солиб кўярмиш. Она шўрлик нима қилади? Ўлганининг кундан овқатни ичади. Ичмаса, келини ўғлига захрини сочади. Она-да... Ке, қўй, ўғлим билан келинимнинг ораси бузилмасин деб овқатга қўшиб, кумни-я ютаверади. Хўш, қизиникига борса-чи? Қизи нуқул онасининг пинжига кириб олиб, кўп овқат еманг, куёвингиз қайнона баднафс экан деб ўйламасин, деб биқинидан чимчилаб ўтирармиш. Шунинг учун ҳам машойхлар билиб айтган: кум-кум келин, чим-чим қиз деб. Энди тушундингми, болам?

— Ҳа, тушундим, холажон, тушундим.

— Унда, хув анави теракни кўрдингми, ана ўшанинг ёнида тўхтат мошинингни.

Кампир тикка турганча қўлларини очиб, узундан-узоқ дуо қила бошлади. Ортимда машиналар қаторлашиб кетди. Тинмай дудуллашади. Дуо таом бўлай демайди. Ниҳоят, онахон менга сувдан сулул қаллиқ тилаб жўнади.

Умуман, кампирларим мен-

Мутулаа

га бағишлаётган дуоларнинг тўқсон фоизи қаллиқча тўғри келади. Бир куни Бекободдан келаётувдим. Ёнимда хар галгидай доимий ҳамроҳим — бир онахон.

— Бола-чақаннинг роҳатини кўргин, ўғлим, мушқулимни осон қилдинг-да, — деб қолди йўлга чиқишимиз билан.

— Ҳали келинингизнинг ўзи йўқ, холажон, — деб кулдим.

— Оҳ-оҳ, хола-ланг сўзларингдан ўргилсин, ҳали ўн гулдан бир гули очилмаган гўнча экансан-ку! Қани энди, пишиб турган қизим бўлса-ю, сенга икки қўллаб тутқазсам. Куёвинг борми — бор, деб болаларингни боқи-иб ўтирсам, дейди.

— Нима, қиз масаласи чатокроқми сизда? — деб гап қўшдим.

— Чатоғи нимаси, болам, сираям бечаток. Раҳматли қайнонам ҳам қарғани қарғаган эди. Сен ичинга нуқул қиз қамагансан, ўғилга қисирсан, дегувчи эди. Йўқ, худо бераман деса, ҳеч гап эмас экан. Беш қиз, икки ўғил кўрдим. Икки қизим нобуд бўлди. Ўғлимдан ҳам айрилдим.

Мана, энди қолганларининг умрини берсин деб ўтирибман. Ҳа майли, хафа бўлма, болам. Бир қиз набирам бор, шуни сенга бераман. Ўзи дўхтирликка ўқийди. Лекин қизмисан — қирмизмисан. Бир-икки йил тишингни тишинга қўйиб чидасан бўлди, тўйни бошлаб юбораман.

Тагин совчиларингиз кампирлар экан, деб кўнглингизга келмасин. Асосий гапни ҳали айтганимча йўқ. Қулогингизга бир гапни айтсам, кишлоғимизда Моҳирўй деган қиз бор. Гоҳо-гоҳо сўз уриштириб турамин. Бир кун:

Моҳирўй, қилиқларинг

қил ёради,

Сўзларингнинг шарбати

тил ёради.

Қошларинг пошшо бўлиб

юрт сўраса,

Кипригинг жаллод бўлиб

жон олади! —

деб кампирларимдан эшитган бир қўшиқни айтувдим, ба-лога қолдим.

— Хо-о! Боринг ўша кампирларингизга! Қўллашиб ҳаракат қилишса битта қиз...

туғиб беришар, — деди-ю, тескари қараб кетди.

Вожаб дедим ўзимча, қизнинг қиздан рашқ қилиши бор. Лекин йигитни кампирдан ҳам қизганишадими? Қиз бола дейман, шундай нозикки, чертсанг узилади-қолади-я.

Моҳирўй шу қўйи қачон мени кўрса, йўлини тескари соладиган қилиқ чиқарди. Индамай юравердим. Йўқ, ҳозир хийла тузук. Дўқондами, кўчадами тўқнашиб қолса, лов-лов қизарадими, секингина, ширингина қилиб "Яхши юрибсизми, Шербек ака?" дейди. Юрагим дук-дук уриб кетади.

Ана шунақа гаплар, биродар. Энди бизга рухсат. Сиз шу ерда тушиб, хув кўнадан ўннга бурилсангиз, тўғри мактабдан чиқасиз. Мен эса фермага қараб кетдим. Кампирхоналарим илҳақ бўлиб ўтиришгандир. Ола кетай. Ҳам қизиқ ҳангома-лар эшитаман, ҳам дуо оламан. Хўп, хайр, омон бўлинг, ака.

Саъдулла СИЁЕВ

Савол-жавоб

АЛИМЕНТ ТЎХТАТИЛМАЙДИ!

Собиқ турмуш ўртоғим икки йилдан буён икки нафар боламга алимент тўлаб келарди. Яқинда унинг хорижга кетаётганини эшитиб қолдим. Энди фарзандларимга алимент тўланиши тўхтатиладими?

Б. Абдиева,
Пайарик тумани.

— Алимент тўлаши шарт бўлган шахс доимий яшаш учун ёки уч ойдан ортиқ муддатга чет давлатга кетаётганида, ўзи таъминот бериши лозим бўлган алимент олувчилар билан, Оила кодексининг



130-, 134-моддаларига асосан, алимент тўлаш тўғрисида келишув тузиши шарт. Бундай келишувга эришилмаган тақдирда манфаатдор шахс алимент миқдорининг пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиши ва бир йўла тўланиши тўғрисида ёки алимент эвазига муайян мол-мулкни бериш ёхуд шу маблагни бошқа усулда тўлаш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Саволга Пастдарғом
тумани 1-сонли
ФХДЁ бўлими мудири
Машхура МАЛЛАЕВА
жавоб берди.

БОЛАЛАР ҲАМ МУЛҚДОР ҲИСОБЛАНАДИ

Эшитишимча, вояга етмаган болалар ҳам хусусий мулк эгаси бўлиши мумкин экан. Шу ростми?

Ф. Эргашев,
Нарпай тумани.

— Тўғри, вояга етмаган болалар ҳам қонунда белгиланган тартибда хусусий мулк эгаси бўлиш ҳуқуқига эга. Қонуний асосда ҳадя, мерос тариқасида олган мулк, шунингдек, шахсий меҳнати ва тадбиркорлик фаолияти натижасида ортирган мол-мулк болаларнинг хусусий мулки ҳисобланади. Вояга етмаганларнинг тадбиркорлик фаолиятига қўшган маблаг ва ундан ортирган даромади, агар бола билан ота-она ёки оиланинг бошқа аъзолари ўртасида бошқача тартибни белгилувчи шартнома бўлмаса, хусусий мулки саналади. Шунингдек, уларнинг шахсий фойдаланишидаги буюмлари (кийим-кечак, пойабзал, ишлаб чиқариш қуроллари, ўқув анжомлари ва бошқалар) ҳам хусусий мулкидир.

Саволга Каттақўрғон
тумани 2-сонли
ДНИ нотариуси
Раҳимжон САПАРОВ
жавоб берди.

Санобар опа ва Бурхон ака Қурбоновлар оиласини Тошкент вилоятида танимаган киши бўлмаса керак. Бирини Оққўрғон тумани фермерларининг сардорини дейишса, бирини илғор пиллакор дея эътифод этишадил.

“Мустаҳкам оила йили”нинг баҳори бу хонадон аҳлига катта қувонч улашди. Ўтган йили “Бурхон” фермер хўжалиги аъзолари галла ва пахта режаларини ортиги билан бажариб, эл олдида юзлари ёруғ бўлган эди. Шу боис мазкур фермер хўжалиги ҳукуматимиз томонидан “Нексия” автомашинаси билан тақдирланди.

— 2011 йили 115 гектар майдоннинг 68 гектарига пахта, 47 гектарига галла экандик, — дейди Бурхон ака. — Сув танқислигига қарамай, 36 нафар ишчимиз бир ёқадан бош қикариб, астойдил меҳнат



САХОВАТ СОҲИБЛАРИ



қилгани учун шартномавий режаларни ошириб уддаладик. Отам ҳам ниҳоятда меҳнаткаш ва ҳалол инсон сифатида ном қозонган эди. Бизга доим “Сен қийинчиликдан эмас, қийинчилик сендан чўчисин!” дер эдилар. Яна, “Атрофингда сенга кўмакчи бўлган инсонларнинг норози бўлишига асло йўл қўйма!” дея кўп таъкидлаганлар. Худода минг қатла шукрки, ул зотнинг доно ўғитларига амал қилиб кам бўлмадим. Фермер хўжалигимизнинг ҳар бир аъзоси менга жи-

Замондошларимиз

гарларимдан ҳам зиёда ва яқин бўлиб кетган. Уларнинг қўллаб-қувватлаши, ҳалол меҳнати эвазига ўтган йили галла режасини 107 фоизга бажарган бўлсак, пахта хирмонини эса 187 тонна ўрнига 234 тонна қилиб кўтардик.

Бурхон аканинг таъкидлашича, фермер хўжалиги ўтган йилги 50 миллион соф даромад эвазига янги турдаги “ТТЗ” ҳамда “НУР” тракторларини харид қилибди. Ишчиларнинг уч нафари сиҳатгоҳда дам олиб келибди...

Ҳозирги кунда эса баҳорги ишлар айна авжида.

суяги меҳнатда қотгани яхши бўлган экан, бугун ҳаммаси ҳаётда ўз ўрнини топган. Байрамларда йигирма нафар назира бобо-бувисининг бағрини тўлдирди.

— Акангиз билан бир замонлар Мирзачўл обод этилаётган йилларда таъминланган оилаларда йигирма нафар назира бобо-бувисининг бағрини тўлдирди. — дейди ўз кўзидан нур ёғилиб турган Санобар опа. — Очиғи, у кишининг камтарин, меҳнаткашлиғи мени ўзига ром этган. Асли наманганликман, ўшанда ота-онам узоққа узатишмаса керак, деб ўйлагандим. Тақдиримиз қўшилиб турган экан, тўйимиз бўлиб кетди... Ҳар баҳорда келинларим билан икки-уч марта сумалак пиширамиз, кўни-қўшниларга тарқатамиз, беморларнинг оғзи тегади.

Дарвоқе, деярли ҳар йили “Бурхон” фермер хўжалиги томонидан кам таъминланган оилалар, кексалар ва хасталарга моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатилади. Қурбоновлар оиласи, айниқса, эрта кўкламда меҳнат мавсуми олтидан эл-улус кексаларидан дуо олишни қанда қилмайди. Бинобарин, Наврўз айёми арафасида қилинган яхшиликларнинг олқиши йил бўйи аримас экан.

Нигора ЎРОЛОВА,
“Оила ва жамият”
муҳбири.
Тошкент вилояти.



Ҳашар — элга ярашар

МАҲАЛЛА ФАЙЗИ САРИШТАЛИКДА

— дейди Ҳамза тумани Асалобод маҳалла фукаролар йиғини раиси

Мавжуда Жуманова

Ўтган шанба-якшанба кунлари Ҳамза тумани Асалобод маҳалласида ҳам ҳашар уюшқоқлик билан ўтказилди. Кўп қаватли уйлар атрофида эрта тонгданок ободонлаштириш ишлари бошланиб кетди. Айниқса, қайнона-келиндар орасида қўлларига супурги ушлаган қизалоқларни кўриб, дилинг ярайди.

— Қизларимизни ёшлиқдан меҳнатга ўргатиб борсак, эртага ўзларига яхши бўлади, — дейди 2-уйнинг 24-хонадониди яшовчи Сапура опа Ҳожиёва. — Илгари йўлакларни супуриб қўйсак ҳам сақич, конфет қорғозларига тўлиб кетарди. Болаларга кўчага чиқинди ташлама, деганингиз билан иш битмайди-да. Қачонки ўзлари меҳнат қилсагина, бошқалар меҳнатининг қадрига етади.

Атрофдаги саранжом-саришталик, ҳашарда иштирок этаётган маҳалладошларнинг завқ-шавқи кўнгилда илиқ меҳр уйғотди. Турли миллат вакилларидан иборат минглаб одамларни бошини қовуштириш осон эмаслиги бор гап. Бунинг учун маҳалла раисидан катта масъулият талаб

— Саришталикка алоҳида эътибор берамиз, — дейди маҳалла раиси Мавжуда опа Жуманова. — Байрам келишини кутиб ўтирмаймиз. Ҳар дам олиш кунлари ҳашар ўтказиш одат тусига кириб қолган. Ободонлаштириш ишларини

ўтказишда уйбошининг хизматини алоҳида эътироф этиб ўтмоқчиман. Айниқса, 17-оилавий ётоқхона уйбоши Баҳромжон Усмоновдан маҳалладошларимиз жуда миннатдор.

У эркакларни ишга солиб, уйлари атрофига дарахт экиб, кўкаламзорлаштириб қўйишди.

Асалобод маҳалласида ўрнак бўлгулик оилалар жуда кўп. Мухаррам ая Турсунова, Гулнора Тожибоева, Зухра Йўлдошевлар келинлари, қизларини ёнига олиб, кўп қаватли уйлар атрофини озода сақлашда жонбозлик кўрсатишади. Табиийки, бу иш менинг вазифамга кирмайди, вақтим йўқ, дея эътироз билдирган аёллар ҳам учраган. Лекин Мавжуда опа уларнинг ҳам тилини топти. Ҳа, маҳалла раиси таъкидлаганидек, уйимизга келади деган, энг аввало, оstonаимизга эътибор беради. Саранжом-саришта жойда эса борака бўлади.

Нигора РАҲМОНОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.



Йилбоши ҳаммамизни узоқ соғинтирди.

— Қадимдан маълумки, Наврўз байрами кунлари меҳр-шафқатга муҳтож кишиларга ҳам моддий, ҳам маънавий мурувват, кўмак кўрсатиб келинган, — дейди туман ногиронлар жамияти раиси Бектош Эшиматов. — Йилбошимиз шарофати билан сал кам икки юз нафар ногиронга моддий ёрдам, тўрт нафарига эса аравача ажратилди. 250 нафар кам таъминланган оилаларга ҳам баҳоли қудрат кўмак берилди.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ МУБОРАК ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ, ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ

Мустақил Ватанимизда яшаётган барча миллат ва элат фарзандларини қадимий ва улут байрам — НАВРЎЗИ олам билан самимий қутлайди!

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, хотиржамлик ва ҳамжиҳатлик, бағри кенглик тилаймиз!

Бекобод туманидаги “ХОЛИС БАРАКАТ СЕРВИС”

**масъулияти чекланган
жамияти жамоаси**

Ўзбекистон

халқини

бахор ва

янгилашиш,

уйғониш

байрами

бўлмиш

Наврўзи олам

билан самимий

кутлайди!

**Хонадонларимиздан тинч-
тотувлик, хотиржамлик
ва аҳиллик аримасин.**


**Йилбошингиз муборак
бўлсин, азизлар!**



НИШОНДА ЙИЛБОШИ НИШОНЛАНДИ

“Мустаҳкам оила йили”нинг баҳори Қашқадарё вилоятининг барча ҳудудларига ўзгача гўзаллик ва шукуҳ бағишлаб кириб келди. 113 мингдан ортиқ аҳоли яшаётган Нишон туманида ҳам Наврўз байрами бутунлай кўтаринки кайфиятда кутиб олинаётир. Туманда салкам эллик мингга яқин ёшлар ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида фаоллик кўрсатишаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Мамлакатимиз миқёсида ўтказилган умумхалқ ҳашарида нишонликлар ҳам ҳамжиҳатликда қатор ободончилик ишларини амалга оширишди. Мева ва манзарали кўчатлар ўтқазилди, гуллар экилди.

Айни пайтда туман марказида мусиқа ва санъат мактаби, ФХДБ бўлимининг янги биноси ва бошқа иншоотлар қурилиши жадал суръатда давом этяпти.



Куни кеча ўтказилган байрам тантаналари кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Туман ҳокими вазифасини бажарувчи Илҳом Пиннаев йиғилганларни уйғониш, яшариш айёми билан самимий кутлади. Шундан сўнг таниқли санъаткорлар ҳамда туман маданият ва спорт бўлими томонидан театрлаштирилган

томошалар, мактаб ўқувчилари ва кичкинтойлар иштирокида тайёрланган дастурлар, спортчиларнинг қизиқарли чиқишлари тантанага ўзгача руҳ бағишлади.

Шавкат СУЛТОНОВ,
“Оила ва жамият” муҳбири.

Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги “УМСИН МОМО”

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ

**барча юртдошларимизни, шу билан бирга,
заминга тақдири боғланган лафзи ҳалол
фермер-деҳқонларни Наврўз айёми билан чин
юракдан табриклайди!**

**“Мустаҳкам оила йили”да барчангизнинг
хонадонингизга соғлик, омонлик, бахту иқбол,
тўкинлик ҳамроҳ бўлсин!**



ЦЕЛЛОФАН ПЛАСТИК ЭМАС

Кундалик ҳаётимизда кенг фойдаланиладиган целлофан материални кўпчилик пластикдан тайёрланади деб ўйлайди. Аслида эса, ўсимликларнинг целлюлоза толаларидан тайёрланади.

Бу ажойиб материални 1908 йили швейцариялик кимёгар олим, тўқимачилик муҳандиси Жак Эдвин Бранденбергер ихтиро қилган. Олим аввал бошда намланмайдиган, ювса доғлари тез кетадиган дастурхон яратмоқчи эди. Буни қарангки, тасодифан бўлса-да, дастурхон ўрнига ажойиб шаффоф материал — целлофан ихтиро қилинди. Шунда Жак бу материални дастурхон устига тўшаган маъқул деган фикрга келади. Аммо целлофаннинг биринчи намунаси бироз қаттиқроқ чиқади, дастурхон узра стол гардишларида яхши букланмайди. Олим бунинг учун яна бироз бош қотиради. Целлюлоза толаларини эластик ҳолатга келтириб жипс-лаштирадиган ускуна яратади. Шундан сўнггина целлофан яхши эгиловчанлик ҳосил қилади. Бугунги кунда бу материалдан дори-дармонлар, тиббий жихозлар ва ускуналар, айрим озиқ-овқат маҳсулотларини қадоқлаш ҳамда бошқа шунга ўхшаш мақсадлар йўлида кенг фойдаланилмоқда.

ШОИРЛАРНИНГ АЖАБ ДУНЁСИ



Та-ниқли фран-цуз шоири Артур Жа-н Николя Рембо (1854–1891) деярли барча маш-хур шеърларини умрининг айни ўспиринлик йилларида, яъни 15 ва 20 ёшлари оралиғида ёзган эди. Шоирнинг ёшлик даври ва катта одамлар сафига қўшиладиган паллалари доим тўс-тўполон, турли маъносиз жанжаллар, турмуш хатоликлари билан ўтган. Ниҳоят, 1879 йилга келиб, 25 ёшли Рембо кутилмаганда шеър ёзиш машғулотини тўхтатади. У Эфиопияга кўчиб ўтиб, умрининг охиригача савдо ишлари билан шуғулланади. Шундан кейин шоир бошқа бирорта ҳам шеър ёзмаган.

Америкалик шоира Эмили Элизабет Дикинсоннинг (1830–1886)нинг эса бутун умри давомида бор-йўғи етти та шеъри эълон қилинган. Устига устак, бу шеърлар ҳеч бир исмсиз ва муаллиф руҳсатисиз чоп этилганди. Эҳтиросларга бой, аммо ҳамisha бунини ташқи оламдан пинҳон тутган шоира оила-бир роҳибни қаттиқ севиб қолади. Журъат қилиб, дил изхорини етказганида, роҳибдан ўзи кутган муносабат бўлмайди. Омадсиз сеvgи Эмилини ақлдан оздиради. Бироқ у ҳамма-ҳаммадан, ҳатто оиласидан ҳам сир тутганча шеърлар ёзаверади. 1890 йил, яъни Дикинсон хоним вафотидан тўрт йил ўтгандан сўнггина жуда кўп кўлөзмалари топилади ва чоп этилади.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

БОЛАЖОН БЎЛСАЙДИ...

Нигина билан танишганимда ёшим ўттизда эди. Онам қазо қилгач, уйланишим орқага сурилиб кетди. Нигинанинг кўриниши, кулишлари онам раҳматлига бирам ўхшарди. Охири унга ипсиз боғланиб қолдим. Отам уйланишимни эшитиб, хурсанд бўлди. Шу орада тўйимиз ўтди. Бизлар гоё бахтли, бир-биримизга меҳрли эдик. Ўғлимиз туғилди. Йигит кишига омад бирваракай келади, деган гап бежиз эмас экан. Ишим юришиб кетгач, янги ҳовли-жайи сотиб олдим. Нигина учун ошхонада ҳамма шай-роитни муҳайё қилдим.

Фарзандларимиз орасидаги танаффус олти йилдан бўлгани учун учови ҳам бир-бирига суянч эди. Бу, айниқса, Нигина бедаво хасталикка чалиниб дўхтирма-дўхтир чопиб юганимда жонимга ора кирди. Катта ўғлим оиланинг пишир-куйдирини ўз бўйига олди. Қисмат экан-да, аёлимнинг "Болаларимизнинг кўнглини ўқситманг", деган сўнги васияти юрагимга муҳрланиб қолди.

Яқинда олам тирноққа зор бўлиб турмушидан ажраган аёл билан танишгирди. Лекин гап орасида "Болаларингизни опангиз "Ўзим қарамоғимга оламан дедим", деган гапи галати таъсир қилди ва, очиги, уйланишга чўчидим. Кичик ўғлим мактабга чиққани учун ишдан ҳам бўшадим. Нима қилай, улар она меҳрига зор бўлиб ўсишяпти, охири уйланишга қарор қилдим. Ёшим 54да. Маълумотим олий. Уч фарзандим бор, энг кичиги 10 ёшда. Уй-жойим етарли. Ёшимга мос, меҳрибон, оқкўнгал аёл учраса, уйланмоқчиман.

БАҲОДИР,
Тошкент вилояти.

ЎҒЛИМГА МУНОСИБ ЁР БОРМИ?

Она зоти борки, фарзандининг бахтини кўрсам дейди. Айниқса, эридан бевақт ажраб, умрини ёлғиз ёдгорига бағишлаган аёлнинг умиди янаям ўзга-

ча бўлади. Ўғлим Икромжон кўнгли гўзал қизга уйланишини истайман. Яқинда дугонам жияни ҳақида гап очиб, уни ўғлимга муносиб кўрди. Аввалига қиз менга ҳам, Икромга ҳам маъқул бўлди. Лекин ёлғиз қиз бўлгани учун ўғлимни ичкўёв қилмоқчи экан. Бундай шартга биз рози бўлолмадик. Дугонам "Олий маълумотли аёлсан, нурийдангнинг келажагини ўйлаб,



сени ёлғизлатиб қўйишмайди. Ниманг кам, уй-жойинг бор-ку", деди. Ё тавба, тақдирим шундай экан, ёш бева қолдим, мен ҳам энди невараси суйсам, атрофим тўлиб юрсин дейман-да.

Биламан, "Оила ва жамият" газетасига маънавиятли, инсон қадрини улуғлайдиганлар мурожаат қилади. Ўғлимга муносиб ёр топишимни кўнглим сезиб турибди. Икромнинг ёши 24 да. Маълумоти олий. Хушсу-рат йигит. Уй-жойимиз етарли. 22 ёшгача бўлган, Тошкент шаҳрида яшайдиган, оқила, самимий қиз овоз берса, келин қилмоқчиман.

АДОЛАТ хола,
Тошкент шаҳри.

УМРИНСО,
Андижон вилояти.

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла қўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, аж-рашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ПАХТАЧИ ТУМАНИ Султонобод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида фаолият юритаётган

“ҚОРА МУСТАНГ” ХУСУСИЙ ФИРМАСИ ЖАМОАСИ

*халқимиз ўзгача меҳр ила интиқ кута-
диган миллий байрамимиз — НАВРЎЗИ
ОЛАМ билан барчани самимий табрик-
лайди!*

*Яшариш, уйғониш фасли Ватанимиз-
нинг ҳар бир шаҳару қишлоғига, овул-
гўшаси, оила ва хонадонига тинчлик-хо-
тиржамлик, хайр-барака, тўқинлик ба-
ғишлашини тилаймиз.*

**Наврўзингиз муборак бўлсин,
муҳтарам юртдошлар!**



Реклама

КЎКЛАМГА ЕТГАНЛАР ОМОН БЎЛСИНЛАР!



Деразам қаршисида турган новдалар тебраниши кўларимни сеҳрлаб қўйди. Меҳнаткаш арижон доимий ишини хуш қўриб, гуллардан бол йиғаяпти. Дарахт шохлари тебранапти, ҳар куни маҳалламини кезиб юрган майин шаббод тауфайли. Қуёш нурларидан баҳра олган новдалар салом бермоқда лолаларни кучган дилларга.

Бу баҳор...

Қуёш Ватанимни севиб қолган. Унинг шуъалари майсалар устидан ёғилаяпти. Ариқдаги жилғалар тип-тиник. Гўзаллик шевасида бийрон-бийрон сўзлаб келаяпти қалдирғоч. Далаларга ошқаяпти кўкламга интиқ юрагим. "Кел рақсага тушамиз", дея пичирлади бойчечак.

Кўклам таронангни чал, атиргулни ардоқлаб, райхонни кўзга суриб, лолани кучиб қувонайлик. Саодатли кун Наврўзни етаклаб келади баҳор. Омон бўлсин Наврўзга етганлар. Куннинг чиқиши тонгга, Наврўзнинг келиши янги йилга туташ.

Бу Наврўз...

Наврўзойим шамоллари эсиб юрган бир пайтда шудринг томчилари гул юзидан сийпалаб тушиб, ердан бўса олди. Соғинчдан энтиккан рўйи заминда бир ажиб ўзгариш. Бобоқўёшнинг заррин нурлари теразорлар ичра таралиб, атрофга бекиёс гўзалликини улашган.

Уйинқароқ болаларнинг шодон кулгуси оламни тутган куйи "Қаранглар бойчечак чикибди", дея садолашмоқда. У нафақат баҳорнинг, балки гўзаллик ва садоқатнинг даракчиси. Ахир, баҳорнинг юраги бемисл садоқатга тўлиқда. Атрофни покликка ўраган гулбаҳорнинг шуқухидан диллар шодумон, кўнгиллар масрур. Наврўз-ла кўл ушлашиб юрвчи нафис фасл ўзи билан яхшиликларни олиб келгандек гўё.

Бу шодлик...

Ҳеч кўрганмисиз, ёш болакайнинг онасига кичик қўлчалари билан талпинганини. Қузатганмисиз, севишган кўнгиллар бир-бирлари-ла сирлашиб яшил хибон узра сайр қилишаётганини.

Шукх

ни. Назар ташлаганмисиз, юзларидан нур ёғилувчи бобо-бувиларимизнинг нигоҳига. Буларнинг барида баҳорийлик, ҳа, ҳа, баҳорийлик намоён бўлиб турибди. Бир-биридан бол қизғанаётган арилар шохдан-шоҳга қўниб, гўё бол йиғиш бўйича кимўзар ўйнашяпти. Замин бор бағрини баҳорга илинди ва у энг чиройли яшил кўйлагини кийган. Айвонларни соғинган қалдирғоч эса ҳовли бўйлаб чир-чир айланиб, хонадон эгаларига салом бермоқда. Далалар қайта жонланиб, иш қизигандан қизиди. Ахир, дала ҳам қиш тафтидан бешиб, бу каби меҳнатдан қабарган қўллар заҳматини соғинган-да.

Теразорлар ичра камалак бўй таратди. Осмон булутлари ошиқмоқда унга.

Ҳамманинг тилида салом. Чунки, янги йил кириб келмоқда. Деразам қаршисидаги новдаларга яна кўз ташладим. Бирдан варрак пайдо бўлди. У жуда баланд учарди. Армонлару дардларни олиб кетди олисларга.

Сумалакка термулган момолар дуолари ижобат бўлсин! Баҳорга етказганига шукр! Умримиз баҳорий ниятлар ила жилвалансин!

*Кўзимни шабнамга ботириб,
Гулигни соғинди ёмон-ей.
Тилагим райхонга буркансин,
Дунё ҳам шу тўртта томон-ей.
Кўклам руҳсорига етайлик,
Юр, кўнглим, баҳорга кетайлик!*

*Саратон қўйида куйласам,
Мадорсиз майсадан садо йўқ.
Соғинсам, сойларни соғинсам,
Дарошмдан, оҳимдан адо йўқ.
Уларни ҳазонбарг етайлик,
Юр, кўнглим, баҳорга кетайлик!*

*Ёт қорлар ёпилса изимдан,
Ёмғирлар қўйлар кўзимдан.
Азизроқ томлашим бир дароқаш,
Кўкка бўй қўзган ялпизингдан.
Қишдан сўнг гул исин кутайлик,
Юр, кўнглим, баҳорга кетайлик!*

Маъмура ЁКУБОВА,
ЎЗДЖТУ талабаси.

ЗАРУР БЎЛГАНДА ТЕНГЛАШТИРИЛАДИ

Савол-жавоб

Тунги иш муддати билан кундузгиси тенглаштирилиши мумкинми?

З. Мирзаева

Амалдаги Меҳнат кодексининг 122-моддаси 3-қисмига биноан, ишлаб чиқариш шартларида кўра зарурат туғилганда, хусусан, иш жараёни узлуksиз давом этадиган корхоналар, шунингдек, бир кун дам олинми, олти кун иш куни ҳафтаси шароитида смена жорий этилган жойларда тунги иш муддати кундузгисига тенглаштирилади.

БЕКОР ҚИЛИНМАЙДИ

Меҳнат таътилида бўлган ходимнинг иш ҳақи ва лавозими сақланадими?

К. Очилов.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 133-моддасига биноан, барча ходимларга иш жойи (лавозими) ва ўртача маоши сақланган ҳолда меҳнат таътили берилади. Ана шу давр мобайнида ходимнинг розилигисиз лавозимини ўзгартириш ёки иш бевуви билан тўзилган меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкин эмас (батамом тугатилган корхоналар бундан мустасно).

Саволларга Ангрен шаҳар ДНИ нотариуслари
Абдурашид ИСОҚЖОНОВ ва
Умиджон НИЁЗОВ жавоб бериди.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси
(Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган қўлхатлар
муаллифларга қайтарилмайди.
Реклама материаллари мазмунини учун
тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти — 15:00
Босишга топширилди — 15:00

E-mail: oilavajamiat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темура кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ
Сахифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ
Мусаххилар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,
Гулноза БОБОЕВА

Қатрлар

КЎРГИЛИК

Йигит-қизни мажбурлаб унаштиришди, мажбуран никоҳдан ўтказишди, тўй қилишди.

— Синглимдай бўлиб қолган қизга қандай уйлана-ман? — деди йигит.

— Акамдай бўлиб қолган йигитга қандай турмушга чиқаман? — деди қиз.

Уларни назарга олишмади, сўзларига қулоқ солишмади. Қулоқ солмаганлардан бири ака эди, бири ука. "Укамнинг қизи бировники бўлмасин", деди ака. "Бе-гонадан кўра ўзимники яхши", деди ука.

Кимдир қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг охири яхшилик билан тугамаслигидан огоҳлантирди.

— Нима қиласиз ваҳима кўтариб, бип-бинойидай яшаётганлар бор-ку, Худонинг кўзи ўнг бўлсин, — дей-ишди унга.

Хуллас, худбин, қайсар, оми ака-уканинг айтгани бўлди. Бироқ... Тангрининг кўзи ўнг бўлмади. Орадан икки, беш, ўн йил ўтди ва даҳшатли кўргилик манзара-си шундай бўлди: уйнинг уч бурчагида уч ногирон бола, тўртинчи бурчагида аламини ичкиликдан олиб, ҳар куни бир шишани бўшатадиган ота ётарди.

Ўртада эса дунёга келганидан афсус-надомат че-киб, бошини қайси тошга уришни билмаган оназор йиғлаб ўтирарди...

Лола ЎРОҚОВА



ЙЎЛЛАНМАЛАР КЎПАЙМОҚДА

Германияда ўттиз тўққизинчи ма-ротаба ташкил этилган "Chemistry Cup — 2012" халқаро турнирида 21 давлатдан юз нафардан зиёд бокс-чи ўн вазн тоифасида рингга чиқди. Мамлакатимиз шарафини ҳимоя қил-ган Жасурбек Латипов 52 килограмм вазн тоифасида олтин медалга са-



зовор бўлди. Олимпия ўйинларига пухта ҳозирлик кўраётган боксчимиз, германиялик Ронни Беблики 17:14, франциялик Нурдин Убаалини 15:11 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ҳал қилувчи баҳсда мўғулистонлик Пу-ревдорж Сердамбани 12:8 ҳисоби-да енгган Жасурбек шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Лондон Олимпиадаси йўлланма-сига эга боксчиларимиздан Орзубек Шоимов ҳам швециялик Башир Ҳас-сан, жазoirлик Мухаммад Амин Уда-хи ва туркиялик Меҳмед Топчаканин-енгиб, кумуш медалга сазовор бўлди.

Албанияда ўтказилган "Bllaznia Memorial" халқаро турнирида ўндан зиёд мамлакатдан келган моҳир боксчилар куч синашди. Ҳамюртла-римиз — бокс бўйича икки карра жа-ҳон чемпиони Аббос Атоев ва Осиё чемпиони Ўктам Раҳмонов кумуш медалга лойиқ топилди.

САРАЛАШ ТУРНИРИ «СПОРТ» ТВДА

ЎФФ расмий твиттери томони-дан тарқатилган маълумотларга кўра, Вьетнамда ўтказиладиган Лондон-2012 Олимпиадасининг ўтиш турнири Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «Спорт» телерадиоканали орқали трансля-ция қилинади.

Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!
Ҳурматли дадажонимиз
Нормўмин Йўлдошев!



Сизни қутлуғ 50 ёшингиз билан мубо-ракбод этамиз. Бахти-мизга соғ-омон бўлинг. Фарзандла-рингизнинг роҳатини кўриш насиб қилсин.

Оила аъзоларингиз номида қизингиз
Дилноза Норкулова

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга
олинган. Буюртма Г — 328. Формати А-3,
ҳажми 3 табоқ. Адади — 11634. Баҳоси кели-
шилган нархда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Котибият: 234-76-08

Мухбирлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiat.uz

1 2 3 4 5